2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 165 (1764), 2026 йил 15 август, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!



МУСТАҚИЛЛИК: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

“Бизнинг миллий мустақиллигимиз мард ва матонатли халқимизнинг қатъий иродаси, истиқлол йўлида курашган фидойи аждодларимиз орзу-умидларининг рўёби бўлиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган эзгу ишларимизнинг мустаҳкам асоси, келажак авлодларимиз учун безавол етказишимиз шарт бўлган буюк ва муқаддас қадриятдир”. Бу фикрлар Ўзбекистон Президентининг 2026 йил апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори муқаддимасида қайд этилган. Қарор билан “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ғоявий-бадиий концепция ва дастур тасдиқланди ҳамда шу негизда юртимиз бўйлаб энг улуғ ва энг азиз байрамимиз тадбирлари ўтказилмоқда.

Конституция ва Ўзбекистоннинг ягона халқи

Истиқлол байрамининг ушбу бош ғояси ўз маъно-мазмунига кўра 2023 йил 30 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизнинг туб моҳиятига батамом уйғун.

“Ягона халқ” — ўзбек халқи, Ўзбекистон халқи. Истиқлол арафасидаёқ ишлаб чиқишга киришилган ва 1992 йил 8 декабрда мустақил халқимиз ва суверен давлатимиз қабул қилган Конституциямизда қайд этилганидек, “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”.

Давоми 3-бетда

Суд-ҳуқуқ тизими янада такомиллаштирилади

Президент Шавкат Мирзиёев 14 август куни суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг натижалари ва соҳадаги устувор вазифаларни муҳокама қилиш юзасидан суд тизими раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Мулоқотда судлар фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантиришга қаратилган “Одил судлов — 2030” стратегияси лойиҳаси тақдимот қилинди.

Сўнгги йилларда суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш ва одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Шу билан бирга, аҳоли мурожаатлари ва суд амалиёти таҳлили тизимда ечимини кутаётган масалалар мавжудлигини кўрсатди.

Шу муносабат билан ислоҳотлар натижаси, аввало, фуқаронинг судга ортиқча оворагарчиликсиз мурожаат қилиши, бузилган ҳуқуқи ўз вақтида тикланиши ва қабул қилинган қарорнинг адолатли эканига ишонч ҳосил қилишида намоён бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

“Одил судлов — 2030” стратегияси аҳолининг таклифлари, олимлар, амалиётчи юристлар ва адвокатлар билан мулоқотлар, шунингдек, илғор хорижий тажриба асосида ишлаб чиқилган. Стратегияда 57 та вазифа, уни амалга ошириш бўйича 2026-2028 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар дастурида 160 та аниқ чора-тадбир ҳамда 2030 йилга қадар эришилиши лозим бўлган 33 та мақсад белгиланган.

Жумладан, қуйи судлар қарорларини қайта кўриб чиқиш холислигини ошириш мақсадида 2027 йил 1 июлдан 5 та ҳудудлараро суд ташкил этилади. Вилоят судларида апелляция ва кассация инстанциялари сақланиб, тафтиш инстанциясининг ваколатлари ҳудудлараро судларга берилади. Бу бир суднинг ўз қарорини ўзи қайта кўриб чиқиши амалиётига чек қўяди ва фуқароларнинг адолат излаб пойтахтга бориш заруратини камайтиради.

Кундалик ҳаётий муаммоларни ҳал этувчи, одамларнинг иши кўпроқ тушадиган судлар фуқаролик ишлари бўйича судлар эканлигини инобатга олиб, уларни халққа яқинлаштириш мақсадида 2030 йилга қадар заруратга қараб қарийб барча туман ва шаҳарларда фуқаролик судларининг фаолияти босқичма-босқич йўлга қўйилади. Барча судларда ахборот олиш, мурожаат топшириш ва рақамли хизматлардан фойдаланиш “ягона дарча” тамойили асосида таъминланади.

Судга берилган ариза бошқа судга тегишли бўлса, у фуқарога қайтарилмайди, суднинг ўзи уни тегишли судга юборади. Аризада жузъий камчилик аниқланган тақдирда суд уни бартараф этишда фуқарога фаол кўмаклашади.

Иқтисодий низоларни тезкор ҳал этиш учун “иқтисодий ишларни проактив бошқариш” стандарти жорий этилади. Бу тадбиркорларнинг идорама-идора сарсон бўлиши ва ҳужжатларни қайта-қайта топширишига чек қўяди.

Инсон эрки — олий қадрият эканлигидан келиб чиқиб, тергов, суриштирув босқичида инсон ҳуқуқлари кафолатларини кучайтириш учун “асосли гумон” (prima facie) стандарти жорий этилади. Тергов судьяси санкция бериш масаласини кўриб чиқишда шахсни ушлаб туришнинг қонунийлиги, гумон ёки айблов учун асослар етарлилигини текшириш ва зарур қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш имконига эга бўлади. Бу эса шахснинг эркинлиги асоссиз чекланишининг олдини олади.

Ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида Олий суд Раёсати қарорларини қамраб оладиган очиқ “Прецедентлар реестри” юритилади.

Судьяларни одил судловга дахлдор бўлмаган ташкилий вазифалардан озод этиш учун 2028 йилдан “суд маъмурчилиги” институти жорий этилади.

“Рақамли суд” концепцияси барча судларда тўлақонли ишга туширилиб, my.sud.uz портали ва унинг мобил иловаси такомиллаштирилади. Судларга мурожаатларнинг камида 50 фоизини электрон шаклда бериш, суд мажлисларининг 100 фоизини аудиоёзув орқали қайд этиш ва Олий суд ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг сонини камида 5 баравар ошириш режалаштирилган.

Шунингдек, медиация ва ярашув механизмларини кенгайтириш, ноқонуний деб топилган маъмурий ҳужжатларнинг очиқ реестри юритишни қамраб олиш, “халқ вакиллари ҳайъати” иштирокида кўриладиган жиноят турлари сонини камида 3 тага етказиш мақсад қилинган.

Тақдимотда суд аппарати ходимлари учун махсус хизмат кийими намунаси ҳам кўриб чиқилди. Бу фуқароларга суд ходимларини осон таниб олиш, уларнинг касбий масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Учрашувда конституциявий суд ишларини юритишни янада такомиллаштириш, судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, суд мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда тизимдаги кадрларнинг хорижда малакасини ошириш бўйича таклифлар ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари стратегия лойиҳасини маъқуллаб, унда назарда тутилган ислоҳотларни рўёбга чиқаришга қаратилган тегишли фармонни имзолади.

ЎзА

Муқобил энергия

ЭКОЛОГИК ТОЗА ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ МАНБА

Тараққиёт шиддатига мос равишда энергетика тизимини модернизация қилиш, янги қувватларни ишга тушириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш борасидаги ислоҳотлар электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини барқарор энергия билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда гидроэнергетика тизими алоҳида ўрин тутади. Сувнинг беқиёс кучини электр энергиясига айлантираётган гидроэлектр станциялари иқтисодий самарадорлиги баробарида атроф-муҳитга зарари камлиги билан ҳам катта аҳамиятга эга.

Давоми 4-бетда

Юксалиш палласи

Мамлакатимизда энг улуғ, энг азиз байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллигини катта тантана билан нишонлашимизга ҳам саноқли кунлар қолди. Истиқлол халқимизга нафақат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини, балки ўзлигимизни қайта англаш, кўп асрлик қадриятлар ва маънавий меросимизни тиклаш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш имконини ҳам берган буюк неъматдир.

ХАЛҚИМИЗ ТАҚДИРИНИ ЎЗГАРТИРГАН БУЮК НЕЪМАТ

Бугун юртимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар, ҳар бир соҳада қўлга киритилаётган улкан ютуқлар замирида ана шу муқаддас куч — мустақилликнинг қудрати мужассам. Ватан равнақи йўлида ҳаётга татбиқ этилаётган ҳар бир эзгу ташаббус истиқлол руҳи билан уйғунлашиб, янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам пойдеворини яратмоқда. Хусусан, тарихан қисқа давр ичида таълим тизимимиз узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Эски марказлашган ёндашувдан очиқлик, кадрлар тайёрлаш сифатини юксалтириш, халқаро ҳамкорлик ва академик рақобатбардошликка йўналтирилган замонавий миллий тизимга ўтилди.

Давоми 5-бетда

Шукуҳ



МЕҲНАТ ВА ФИДОЙИЛИК ЭЪТИРОФИ

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ КЎКСИНИ ФАХРГА ТЎЛДИРДИ



Август — юртимиз тадбиркорлари учун алоҳида аҳамиятга эга ой. Ишбилармонлар 20 августда нишонланадиган касб байрамида давлатимиз раҳбари билан ўтадиган очиқ мулоқотни катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кутади. Бугун қайси бизнесмен билан суҳбатлашманг, фикру ёди ана шу учрашувда. Чунки мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ва кутилган воқеалардан бири — давлатимиз раҳбарининг юртимиз тадбиркорлари билан ўтказадиган олтинчи очиқ мулоқотига саноқли кунлар қолди. Учрашувга ҳозирлик эса авж паллага кирган.

Дунё тажрибасида ўхшаши йўқ ушбу ўзига хос очиқ мулоқот мамлакатимиз раҳбарининг ишбилармонлар билан одатдаги учрашуви эмас. Бу форматдаги мулоқот тадбиркорларнинг овози тингланадиган, муаммолар очиқ айтиладиган ва уларнинг ечими бўйича аниқ вазифалар белгиланадиган муҳим майдонга айланганини даврнинг ўзи кўрсатяпти. Шу боис, учрашув санаси нафақат ишбилармонлар, балки юртимизда тадбиркорлик муҳитининг янада ривожланишидан манфаатдор бўлган барча учун алоҳида қизиқиш билан кутилади.

Давоми 2-бетда

Мулоҳаза



ИЛМ ЖАМИЯТДА ЯШАШИ КЕРАК

5

2026 йил 15 август, 165-сон

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Шукуҳ

Бугунга қадар колл-марказлар ва расмий ботлар орқали тадбиркорлардан 6000 га яқин мурожаат келиб тушган. Уларнинг 4200 дан зиёди ижобий ҳал этилиб, 1800 га яқинини кўриб чиқиш жараёни давом этмоқда.

МЕҲНАТ ВА ФИДОЙИЛИК ЭЪТИРОФИ

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ КЎКСИНИ ФАХРГА ТЎЛДИРДИ

Бошланиши 1-бетда

Кейинги йилларда очиқ мулоқотга тайёргарлик жараёни ҳам янги форматдаги самарали механизмга айланди. Йил давомида тадбиркорларнинг муаммолари, фикр ва таклифлари диққат билан тингланяпти, жараёнда ечимлар тақдим этиляпти. Жорий йил 15 майдан очиқ мулоқотга тайёргарлик янада қизғин паллага кирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес омбудсман) томонидан ишбилармонларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича республика штаби фаолияти йўлга қўйилди. Унинг таркибида 50 дан ортиқ вазирлик ва идораларнинг етакчи экспертлари ишлаяпти.

Жорий йил 13 август куни давлатимиз раҳбарига тадбиркорлар билан навбатдаги очиқ мулоқотга тайёргарликнинг бориши юзасидан ахборот берилди. Қайд этилишича, бугунга қадар колл-марказлар ва расмий ботлар орқали тадбиркорлардан 6000 га яқин мурожаат келиб тушган. Уларнинг 4200 дан зиёди ижобий ҳал этилиб, 1800 га яқинини кўриб чиқиш жараёни давом этмоқда. Тайёргарлик доирасида масъул ташкилотлар томонидан 750 дан зиёд учрашув ўтказилиб, уларда 8800 дан ортиқ тадбиркор иштирок этган, 3500 дан зиёд таклиф ва масалалар билдирилган.

— Бугунга қадар очиқ мулоқот доирасида Бизнес-омбудсман ва Савдо-саноат палатаси томонидан ишбилармон доира вакиллари иштирокида 130 дан ортиқ учрашув ташкил этилди ва уларда 1500 га яқин масала ўртага ташланди, — дейди Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Шаҳло Иброҳимова. — Айни пайтда республика штабига тадбиркорлардан мурожаатлар келиб тушишда давом этяпти. Ҳудудлар бўйича энг кўп мурожаат Тошкент шаҳри ҳамда Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Йўлланган мурожаатларнинг барчасини малакали мутахассислар қайтадан кўриб чиқиб, аксарияти жойида ҳал этилаётган бўлса, лозим бўлганлари тегишли инстанцияларга жўнатилмоқда.



Президентимизнинг тадбиркорлар билан бўлиб ўтадиган бу йилги очиқ мулоқотига жуда катта тайёргарлик кўрилаётганини кўламдан ҳам англаш мумкин. Бу гал юртимиздаги 208 та туманда ҳам студиялар ташкил қилинади ва 10 дан ортиқ ишчи ўрни очган ҳар бир тадбиркорнинг давлатимиз раҳбари билан тўғридан тўғри мулоқотга киришиши учун шароит яратиляпти. Бу 20 мингдан ортиқ тадбиркорга мулоқот имконияти берилади дегани.

Мамлакатимиз ишбилармонлари бу имкониятни бежиз кутаётгани йўқ. Улар бугун ўзи эришаётган ютуқлар, эгаллаётган марралар ҳақида бевосита Президентимизга сўзлаб бериш, шу юрт фарзанди, соҳа вакили сифатида фикрлари билан ўртоқлашиш, таклиф ва ташаббусларини билдириш иштиёқида. Уларнинг аксарияти юртимизда тадбиркорлар учун яратилаётган имконият, шароит ва имтиёзлардан миннатдор. Бу миннатдорлигини ўз меҳнати, мамлакат ривожига, одамлар бандлиги ва турмуш фаровонлигини оширишга қўшаётган ҳиссаси билан намоён этиб, юксак ишончга муносиб жавоб бермоқда.

Юртимиз тадбиркорларининг навбатдаги очиқ мулоқотдан кутаётганлари бисёр. Уларни қувонтирадиган хушхабарлар эса аллақачон эълон қилина бошланди. Президентимизнинг тегишли фармони ва фармойишига кўра Тадбиркорлар куни муносабати билан соҳа вакилларидан бир гуруҳи юксак давлат мукофотлари, бир қанчаси эса “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди. Биз эса уларнинг таассуротлари, ҳаяжонлари билан ўртоқлашишга ошиқдик.

Очиқ мулоқот – ўзига хос минбар



Даврон ДАДАХОНОВ, Тошкент шаҳридаги “Global export company” МЧЖ бош директори, “Шуҳрат” медали соҳиби:

— Давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан “Шуҳрат” медали билан тақдирландим. Ҳаяжоним чексиз, қувончимни тасвирлашга тилим ожиз, лекин юракдан фахрни, чексиз миннатдорликни ҳис қиляпман. Яқинларим, танишларим, бутун жамоам мен билан бирга қувоняпти. Чунки бу мукофот нафақат менинг, балки бутун жамоамнинг меҳнатига берилган юксак баҳо, эътироф-дир. Ҳар куни жамоам билан бирга муваффақиятга ишониб, ана шу ишончни реалликка айлантириш, мамлакатимиз иқтисодиёти, одамлар фаровонлигига ҳисса қўшиш ниятида ишлаймиз.

Кечагидек эсимда: илк фаолиятимизни 2017 йили валюта бозорини либераллаштириш ислоҳоти эълон қилинган заҳоти бор-йўғи 10 ходим билан бошлаган эдик. Ўтган қисқа муддатда ишимиз фақат ривожланди, олдинга қараб интилдик. Тўғри, ишда қийинчиликлар ҳам бўлади, аммо уларнинг ечими бугун мураккаб эмас. Ҳар қандай масалада давлат идоралари ёнимизда туриб, кўмаклашяпти. Натижада корхонамиз бугун 60 га яқин мамлакатга маҳсулот экспорт қилаётган, 200 дан ортиқ иш ўрни очган катта компанияга айланди.

Асосий фаолиятимиз дуккакли маҳсулотлар, қуритилган мева ҳамда ёнғоқни қайта ишлаш ва экспорт қилишдан иборат. Бугун корхонамизнинг экспорт ҳажми 15-20 минг тоннага, қиймати эса 20-25 миллион долларга етган. Агар ўтган йиллар билан таққосласак, ўсиш 5-6 баробар ошгани кўринади. Илк бор 2018 йилда бор-йўғи 4 та давлатга 400 минг долларлик маҳсулот чиқарганмиз. Ҳозир маҳсулотларимизни 57 давлатга экспорт қиляпмиз, харидорларимизнинг 18 таси Европа давлатлари. Импортёрлар қаторида АҚШ, Япония, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа талаби юқори бозорлар ҳам бор. Ўзбекистон маҳсулотлари илк бор экспорт қилинган Бразилия, Мексика, Гватемала каби давлатларни эса алоҳида эътироф этиш жоиз.

Буларнинг барчаси тасодиф эмас. Бундай натижага биргина тадбиркорнинг ўзи эриша олмайди. Йиллар давомида маҳсулоти қўшни давлатлардан ташқарига ўтмаган тадбиркорларни биламиз. Ҳозир ишбилармонларимиз бемалол Европа бозорларида ўрин эгаллаяпти. Бунинг учун давлатимиз барча имкониятни яратиб бераётганини биз, тадбиркорлар яхши биламиз. Ортимизда Президентимиз турганини ҳис қиламиз. Бу шунчаки ишонч эмас, амалда ўз исботини топаётган ҳақиқат.

Экспортчилардан бири сифатида қатъий айтишим мумкинки, агар экспортни қўллаб-қувватлаш борасидаги ислоҳотлар — компенсациялар, субсидиялар, корхоналар рейтинги, текширувларга мораторий, имтиёзли молиялаштириш, факторинг ва бошқа кўплаб чоралар бўлмаганида, биз йилига 2 баробар ўсишга эриша олмасдик. Бугун тадбиркор иқтисодиётнинг ҳақиқий драйверига айлангани ортида ҳам катта имкониятлар турибди. Асоссиз текширувлардан қўрқмай, эркин ишлаймиз, назорат органлари эса тўсиқ эмас, балки ёрдам берадиган ва “қандай кўмаклашай?” деб сўрайдиган ҳамкорга айланди.

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан бўлиб ўтадиган ҳар йилги очиқ мулоқоти бизнес эгаларининг юрагидаги ана шундай гапларни айтиши учун катта минбар бўлиб хизмат қиляпти. Очиқ мулоқот — уникал платформа, жуда кўп давлат унга ҳавас қилса арзийди. Ўз таклиф ва муаммоларини давлатимиз раҳбарига тўғридан тўғри етказиш ва қисқа муддатда уларга ечим олиш тадбиркорнинг оғирини енгил, ишини осон, даромадини салмоқли қилади. Ўзим ҳам ҳар йили очиқ мулоқот доирасида қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сураман, уларнинг ечимидан қувонаман. Қолаверса, бу учрашувдан катта ижобий қувват оламиз. Кейинги очиқ мулоқотгача янада кўп натижага эришиб, давлатимиз раҳбарига уларни айтиб ғурурлангимиз келади.

> **Бугун кўксимиз икки карра фахрга тўлмоқда. Бир тадбиркор ўлароқ, юксак мукофотга муносиб кўрилганимдан, очиғи, жуда қувондим. Нафақат тадбиркор, балки шу юрт фарзанди эканимдан ғурурландим. Бундан кейин ҳам жамоамиз билан бирга ривожланишда, юртимиз маҳсулотлари, миллий брендларимизни жаҳон бозорида кенг танитиш, янги марраларни забт этишда давом этамиз.**



Жамшид ИСМАТУЛЛАЕВ, Наманган вилоятидаги “Chust Textile” МЧЖ таъсисчиси, “Дўстлик” ордени соҳиби:

— Тадбиркорлик ҳеч қачон осон бўлмаган. Лекин аввалги даврлар билан солиштирганда, бугун Ўзбекистонда бизнес юритиш анча осон. Чунки, энг аввало, тадбиркорга давлатимиз раҳбари катта ишонч билдириб, қўллаб-қувватлаяпти. Мана шу ишонч одамларни ишбилармонга айлантиряпти. Қолаверса, тадбиркорларни бу даражада қўллаш, ҳар томонлама имкониятлар яратиб, мамлакатнинг таянчи сифатида кўриш ҳолати бошқа давлатда бўлмаса керак. Давлатимиз раҳбарининг фармонига кўра юксак мукофот билан тақдирланганимни кўриб, шулар ҳақида ўйладим ва фахрландим. Йигирма йиллик тадбиркорлик фаолиятим кўз олдимдан ўтди.

Тадбиркорлик азоб бўлган даврларни ҳам кўрдик. Бошимиздан қийин кунлар ўтди. Келажакка ишончсизлик билан қарардик, фаолиятимизни бекитиб ишлардик. Ўша кунлар ўтиб кетганига шукр қиламан. Бугун тадбиркор эканимизни фахрланиб гапирадиган бўлдик. Буларнинг ҳаммаси яна ўша ишонч сабаб. Ҳалол меҳнат қилган тадбиркорга барча йўл очиқ.

Имтиёзлар замирида улкан мақсадлар мужассам

Муваффақиятнинг асосий калити ҳам шунда — меҳнат ва ҳалоллик. Болалик йилларим Чуст маҳалларидаги самимий муҳитда ўтган. Ота-онам иқтисодчи ва ҳисобчи бўлгани сабабли оиламизда тартиб, ҳисоб-китоб ва ҳалоллик асосий мезон эди. Отам доим рақамлар билан ишлар ва бу менда ҳам қизиқиш уйғотган. Беш фарзанд бўлишимизга қарамай, ота-онам барчамизнинг ўқишимиз ва олий маълумотли бўлишимизга шароит яратиб берди.

Фаолиятимни текстиль фабрикасида бошлаганман. Ишни ўргангач, кейинроқ ўз бизнесимни йўлга қўйдим. 2006 йилда дўстларим билан биргаликда “VIVA” номи остида текстиль фабрикасини ишга туширдик. Ишни нолдан, маблағсиз, фақат ғоя билан бошлаганмиз. Вақт ўтиб, кичик қадамлар катта мақсадга айланди. 2016 йилда барча корхонани ягона “Chust Textile” номи остида бирлаштирдик ва бу бизга анча қулайлик яратди.

Бугун компаниямизда ҳар қандай турдаги тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Жараён эса тўлиқ занжир асосида ташкил этилган. Фақат ип-калавани сотиб оламиз, қолган жараён ўзимизда бажарилади. Ипдан мато тўқилади, бўялади, ишлов берилади ва тайёр маҳсулотга айланади. Маҳсулотларнинг 85 фоизи ташқи бозорга экспорт қилинади.

Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 5000 тонна мато ва 10 миллион дона тайёр текстиль маҳсулотини қамраб олади. Бугун 1800 дан ортиқ киши иш билан таъминланган. Асосан, ижтимоий ҳимояга муҳтож, камбағал оилалар аъзолари, ишсиз хотин-қизлар ва ёшларни ишга олишга ҳаракат қиламиз. Улар умумий ишчилар сонининг камида 15 фоизини ташкил қилади. Ушбу қатлам вакилларига айни йўналишда ишлаш қулай. Қолаверса, бугун тўқимачилик соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётининг драйвер тармоқларидан бирига айланган. Бу йўналишда қувват қанча ошса, бўш иш ўрни шунча кўпаяди. Айни йўналишда кўп иш ўрни очиш имконияти бор ва биз бундан фойдаланамиз.

Давлатимиз раҳбарининг “Иккита одамни иш билан таъминлаган тадбиркорни бошимда кўтаришга тайёрман”, деган гапи доим қулоғимизда жаранглайди. Бу бежиз эмас. Тадбиркор қанча кўп бўлса, шунча кўп одамнинг бандлиги таъминланади, халқ фаровонлиги ошади. Ишбилармонларга берилаётган кенг имтиёзлар замирида шу мақсадлар ҳам мужассам.

Ахир, бугун тадбиркорнинг ҳеч бир сўзи эътибордан четда қолмаяпти. Ўзимиздан мисол: 2017 йилда акам “Давлатдан ер майдони сўрайлик, қурилиш қилайлик”, деди. Шу таклифни айтдик. Президентимизнинг ташаббуси билан бизга 15 гектар ер ажратилди. Бу айтишгагина осон, лекин унинг замирида жуда катта ишонч мужассам.

Президентимизнинг ҳар йили тадбиркорлар билан ўтказадиган очиқ мулоқоти биз учун алоҳида байрамга айланади. Аввало, давлатимиз раҳбари билан учрашиш биз учун катта бахт. Қолаверса, шу куни биз кутган ва кутмаган жуда кўплаб масалалар ҳал этилиб, яхши янгиликлар бўлади. Деярли барча соҳада янги имкониятлар, янги имтиёзлар, янги қонуний кафолатлар берилади. Айниқса, тўқимачилик соҳасида ҳар йили бирор енгиллик тақдим этилишига ўрганиб қолганмиз. Чунки бу соҳада йил сайин рақобат ошиб боряпти ва шунга мос тарзда юртимиз тадбиркорларига қулайлик тақдим этилмоқда.

Бу йил ҳам очиқ мулоқотдан кутганларимиз катта. Мақсадимиз фақат имтиёзларни қўлга киритиш эмас, балки уларнинг ортидан фаолиятимизни янада кенгайтириб, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Ишончни натижага айлантиряпмиз



Азат МУСТАФАЕВ, Тахиатош туманидаги “Atiyaj gulzar” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони соҳиби:

— Бугун юртимизда тадбиркорликка муносабат тубдан ўзгариб бормоқда. Айниқса, ҳудудларда ўз ишини йўлга қўйиб, маҳсулот ишлаб чиқараётган, одамларни иш билан таъминлаётган ишбилармонлар учун яратилаётган шароитни фаолиятим мисолида ҳис қилиб келяпман. Илгари бирор ишни бошлаш учун маблағнинг ўзи етарли эмас эди. Бозорни топиш, технологияни олиб келиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маҳсулотни сотиш каби ҳар бир босқичнинг ташвиши бўларди. Бугун эса тадбиркорга имконият берилиб, ишонч ҳам билдирилмоқда. Ана шу ишончни натижага айлантириш эса биз тадбиркорларнинг зиммамизда.

Президентимиз томонидан “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланганим мен учун катта шараф. Бу эътироф ортида йиллар давомида қилинган меҳнат, изланиш ва катта жамоанинг машаққати бор. Корхонада эришилган ҳар бир натижа ортида ўз вазифасини сидқидилдан бажараётган инсонлар турибди. Шунинг учун ушбу мукофотни бутун жамоамиз меҳнатига берилган юксак баҳо сифатида қабул қилдик.

Бундай кунларда ортга назар ташлайсиз. 2001 йилда бошланган тадбиркор бўлиш учун қилинган меҳнат, ўтган йилларда қабул қилинган қарорлар, қўл урилган лойиҳалар бирма-бир ёдга тушади. Қийин паллалар ҳам бўлди. Катта маблағ тиккан, натижаси қандай бўлишини вақт кўрсатадиган қарорлар ҳам қабул қилинди. Ҳар сафар битта мақсад устувор бўлди — ишлаб чиқаришни кучайтириш, одамларга иш бериш, сифатли маҳсулот тайёрлаш ва корхонани янада ривожлантириш.

Тадбиркорликда имкониятнинг ўзи кифоя қилмайди. Уни ишга солиш керак. Бунинг учун ҳисоб-китоб, тавакқал, меҳнат ва энг муҳими, қарор қабул қилиш жасорати зарур. Фаолиятимиз давомида шу йўлдан бордик. Савдодан ишлаб чиқаришга ўтдик, кейин маҳсулот турларини кўпайтирдик, экспорт бозорларига чиқишни бошладик.

2017 йилда Туркия технологияси асосида қиймати 3,3 миллион доллар бўлган лойиҳани амалга ошириб, кунига 270 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга корхонани ишга туширдик. Бу улкан қадам эди. У катта маблағ, катта масъулият ва катта ишонч талаб қилди. Технологияни олиб келишнинг ўзи билан иш битмасди, уни тўғри ишлатиш, малакали ишчи жамоасини шакллантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва бозорда ўз ўрнингизни топиш керак эди. Бунинг барчаси босқичма-босқич йўлга қўйилди.

Ишлаб чиқариш йўлга тушгач, олдимизда янги вазифалар пайдо бўлди. Бир маҳсулот билан чекланиб қолиш бозорда узоққа олиб бормаслигини яхши англадик. Шунинг учун 2023 — 2025 йилларда Туркия технологияси асосида умумий қиймати 1,3 миллион доллар бўлган лойиҳа доирасида макарон ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бугун корхонамизда 20 турдаги макарон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Ҳар бир янги маҳсулот ортида бозор талаби, ҳисоб-китоб ва янги имкониятларни излаш машаққати бор.

Бугун эришилган натижаларни рақамлар ҳам кўрсатиб турибди. 2025 йилда корхонамизда 198 миллиард сўмлик ун ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, 0,8 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди, давлат бюджетига 1,5 миллиард сўм солиқ тўланди. Ҳозирда 136 нафар инсон доимий иш билан таъминланган.

Тадбиркорликнинг энг катта самараларидан бири — янги иш ўрни яратиш. Чунки ҳар бир иш жойи ортида бир инсоннинг даромади, бир оиланинг рўзғори, фарзандларининг келажаги турибди. Шунинг учун ишлаб чиқариш ҳажми билан бир қаторда бандликни оширишни ҳам муҳим вазифа сифатида кўрамиз.

Қорақалпоғистонда озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича йирик экспортёрлардан бири сифатида эътироф этилишимиз бизга янада катта масъулият юклайди. Ташқи бозорда харидор ишончини қозониш учун сифатли маҳсулот, барқарор таъминот ва рақобатбардош нархни таъминлаш шарт. 0,8 миллион долларлик экспорт ҳажмини ошириш, янги бозорларга чиқиш олдимизда турган муҳим вазифалардан.

Йиллар давомидаги тажриба бир ҳақиқатни кўрсатди: катта натижа ўз-ўзидан келмайди. Унинг ортида ўз вақтида қабул қилинган қарор, тавакқалчилик, меҳнат ва жамоанинг бирдамлиги туради. 2017 йилдаги йирик инвестиция лойиҳасидан тортиб, кейинги йилларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва экспортни йўлга қўйишгача бўлган барча ишларимиз шу мақсадга хизмат қилди.

Энди олдимизда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги маҳсулотларни ўзлаштириш, экспорт географиясини кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиш каби улкан вазифалар турибди.

Жуда ҳаяжонли бўлди

— “Шуҳрат” медали билан тақдирланганим ҳақидаги хабарни эшитганимда интернет тармоғидаги лойиҳамиз — “Лолазор” подкастини суратга олаётган эдик. У ерда меҳмонимиз — “Корзинка” супермаркетлар тармоғи раҳбари, тадбиркор Зафар Ҳошимов ҳам бор эди. Подкаст бошланган вақтда ҳамкасбларимдан бири мукофотланганим ҳақидаги хабарни ўқиб берди. Бу ҳаммамиз учун кутилмаган янгилик бўлди. Кейин студиядагилар хурсанд бўлиб, табриклай бошлади. Подкаст жараёнида 5-10 дақиқа шу ҳақида суҳбатлашдик. Охирида эса меҳмонимиз ва ҳамкасбларимиз қарсак чалиб, яна қутлади. Айтмоқчи бўлганим шуки, бу хабарни уйда ёки йўлда эмас, айнан иш жараёнида эшитганим бошқача таъсир қилди. Ҳозир ҳам ўша ҳаяжон таъсиридаман ва қалбимда миннатдорлик ҳис қиляпман.

Бугун ўқиган инсон исталган соҳада тадбиркорлик қила олиши мумкин. Бунга уқуви, салоҳияти, янги ғояси ва фикри бўлса, кифоя. Чунки ҳамма соҳада сармоядорларга талаб бўлгани каби имкониятлар ҳам кенг.

Аслида, журналистика бўйича таҳсил олганман. Бир муддат ўз соҳамда фаолият юритдим. Кейин компьютер графикасига қизиқиб қолдим. 2015 йилда шу йўналишда ишлай бошладим ва қисқа муддатда етакчи график дизайнер бўлдим. Бир куни тушундимки, бу ишда буюртмалар олиш ҳам, сотиш ҳам, жамоа йиғиш ҳам ўзимнинг қўлимдан келади. Шундан сўнг 2022 йилда “Tasnif” номи остида ўз компаниямни очдим.

Иш бошлаганимда энг асосий муаммо мутахассислар етишмаслиги бўлган. Компанияда ишлай оладиган график дизайнерлар йўқ эди. Ёшлар орасидан ҳам топиш қийин бўлган. Шу боис, 2023 йилда “Tasnif” номи билан компьютер графикаси, график дизайн ва анимацияга ўқитиш мактабини очдим. Дастлаб 100 йигит-қизни график дизайнерликка ўқитиб, шундан 20 нафарини компанияга ишга олганмиз. Бугун биз билан бирга ишлаётган 50 га яқин дастурчининг 80 фоизини ўзим ўқитиб, тайёрлаганман.

Чунки бизнинг йўналишда мутахассис топиш мураккаб масала. Айниқса, кўплаб касблар ўрнини сунъий интеллект технологиялари эгаллаётган бир вақтда бу янада қийинлашмоқда. Кўп компаниялар СИ сабаб иш ўринларини қисқартиряпти. Мен эса ходимларни доимий ўқитиб, малакасини ошириб боришни ва СИ технологияларидан унумли фойдаланишни танлаганман.



Лазиз ҲАМИДОВ, Тошкент шаҳридаги “Tasnif group” МЧЖ директори, “Шуҳрат” медали соҳиби:

Корхонамизнинг асосий йўналиши брендинг ва компьютер графикаси хизматларидан иборат. Биз бренд яратамиз, 2D ва 3D анимациялар тайёрлаймиз, видеолавҳалар суратга оламиз, йирик компаниялар учун презентация ва визуал тизимлар ишлаб чиқамиз. “Ишлаб чиқариш қувватимиз” — ускуналар эмас, балки инсон омили ва вақт. Ойига ўртача 3-6 та лойиҳани тугаллаймиз. Буюртмачиларимиз орасида халқаро компаниялар ҳам бор. Йиллик савдо айланмамиз 4 миллиард сўмдан зиёд.

Бугун Ўзбекистонда рақамли соҳалар жуда тез ривожланяпти. Кейинги йилларда тадбиркорликнинг муҳим йўналишларидан бирига ҳам айланди. Бу эса биз каби тадбиркорларга янада кенг имконият эшикларини очяпти. Давлатимиз раҳбарининг ҳар йили тадбиркорлар билан ўтказадиган очиқ мулоқоти ўзига хос формат бўлиб, унда воситачининг йўқлиги энг асосий қийматдир. Тадбиркор давлатимиз раҳбарига ўз муаммоси, таклифи ва ташаббусларини ҳисобот орқали эмас, ўз овози билан айтади. Бизда йиллар давомида ахборот пастдан юқорига чиққунча силлиқланиб, муаммо “ечилган”га айланиб қоларди. Очиқ мулоқот ана шу занжирни узиб ташлайди.

Яна бир жиҳати, бу мулоқот бир кунлик тадбир бўлиб қолмайди. Ҳар сафар ундан кейин кўтарилган масалаларга ҳуқуқий ечим берилади, тадбиркорларга янгидан янги имтиёзлар тақдим этилади. Масалан, ўтган йилги очиқ мулоқотдан сўнг 2026-2027 йилларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга 270 триллион сўм йўналтирилиши белгиланди. Яъни механизм қоғозда эмас, амалда ишлаяпти.

Солиқ маъмурчилигидаги соддалаштиришлар ҳам мени қувонтирди. Солиқ ҳисоботларини шакллантириш вазифаси солиқ органларининг ўзига ўтказилгани соҳамиз ва компаниямиз учун жуда муҳим. Чунки бухгалтерия ишларига сарфланган ҳар бир соат ижоддан олинган вақтдир. Ана шу вақтнинг тадбиркорга қайтарилиши, бизга ҳар қадамда берилаётган ишонч ва рағбат янги ғоялар, ривожланишлар сари ундаяпти.

* * *

Тадбиркор аҳли одатда рақамлар, ҳисоб-китоблар билан ишлайдиган аниқ соҳа одамлари бўлади, ҳисларини ошкор қилавермайди. Шунга қарамай, бугун бизнес эгаларига берилаётган эътибор ва эътироф уларни руҳлантириб, қалбларини тўлқинлантиряпти. Кўзларида қувонч, миннатдорлик ҳислари порламоқда.

Очиқ мулоқот санаси яқинлашгани сари тадбиркорларнинг ҳаяжони янада ортиб бораётганини сезиш қийин эмас. Бу нафақат давлат раҳбари билан бўладиган учрашув олдидаги қувонч ҳислари, балки ўтган бир йиллик фаолият сарҳисоби, берилган имтиёзларнинг натижаси кўрсатиладиган катта масъулият онлари ҳамдир. Йил давомида қўлга киритилган ютуқлар, эришилган натижалар эса анча катта. Бу борада ҳар бир тадбиркорнинг ўз фаолияти мисолида фахр билан сўзлаб берадиган жиҳатлари бор.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

МУСТАҚИЛЛИК: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ



Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик

Бошланиши 1-бетда

Ўз навбатида, 2023 йил 30 апрелда референдум ўтказиш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямиз “Ўзбекистоннинг ягона халқи” деган янада ҳаққоний тушунча билан бойитилди. Таъбир жоиз бўлса, “ягона халқ” тушунчасининг мазмун-моҳиятини Ватанимизда доимий асосда яшаб келаётган фуқаролар ва барча заминдош инсонлар ташкил этишига оид реал воқеа Асосий қонунимизнинг бошқа моддаларида изчил ривожлантирилгани ҳар қандай таҳсинга лойиқ.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 23-моддасига кўра “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкин эмас. Давлат хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ғамхўрлик қилади”.

Шундай ғамхўрликка битта амалий мисол. Гап шундаки, мамлакатимизда пахтачиликда бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий этилиб, соҳа ўз эгасининг тасарруфига берилди. Натижада ўқитувчи мактабга, шифокор шифохонага қайтди, тадбиркорлар пахта “ўлпони”дан озод бўлди, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига чек қўйилди.

Бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кечаги, яъни пахта даласидан бошқа ташвиши бўлмаган халқ эмас. Бугун янги Ўзбекистоннинг даври, ягона Ўзбекистон халқининг янгича замони келди.

Кейинги ўн йилда янги Ўзбекистонни барпо этишда Президентимиз ташаббуси, яъни “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган инсонпарвар ғояга таянилмоқда. Бундай ғояга демократик ёндашув ҳам айнан халқимиз манфаатларига хизмат қилмоқда.

Маҳалла — жамиятнинг юзи

Мамлакатимиздаги барча ўзгаришлар, аввало, маҳаллада ўз ифодасини топади. Бинобарин, Ўзбекистонда шундай тизим яратилдики, илгари жиддий деб ҳисобланган кўплаб масалаларга ечим энди айнан маҳалланинг ўзида топиляпти.

Шу маънода, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан мамлакатимизда 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилингани бежиз эмас. Зеро, давлатимиз раҳбари ишонч билан қайд этганидек, маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжиҳат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади.

Жорий йил давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизими, иқтисодиёт тармоқлари, таълим, илм-фан, тиббиёт, маданият, спорт, экология тизими — барча-барча соҳани ривожлантиришда туб бурилиш йили сифатида кўзга ташланмоқда. Бу ҳаётий ҳақиқатнинг тасдиғи учун айрим мисолларни келтирамиз.

Янги таҳрирдаги Конституциямизга асосан давлат зиммасига юклатилган ижтимоий мажбуриятларни бажариш ҳамда юртимизда ижтимоий давлат барпо этиш борасида ҳам улкан ишлар қилинмоқда. Хусусан, конституциявий ислоҳотлар ўтказилган даврда мамлакатимизда камбағаллик даражаси 14 фоиз эди. Бугун бу кўрсаткич 5,8 фоизга туширилди. Ваҳоланки, мамлакатимизда янги Ўзбекистон ислоҳотлари бошланган даврда камбағаллик даражаси қарийб 35 фоизни ташкил этарди. Ўтган даврда 8,5 миллион эҳтиёжманд фуқаронинг даромадини ошириш ҳисобига бугун ана шундай муҳим натижага эришилди.

Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги сезиларли даражада ошди. Маълумотларга кўра, 2025 йил якунлари бўйича бу кўрсаткич 75,4 ёшни ташкил этган. Истиқлолнинг илк даври — 1991 йилда эса мамлакатда ўртача умр кўриш давомийлиги 66,4 ёш бўлган. Демак, ўтган 35 йилда халқимизнинг ўртача умр кўриш даражаси нақ тўққиз йилга узайибди.

Яна бир муҳим рақам: Миллий статистика қўмитаси маълумотига қараганда, 2026 йил 1 апрель ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси сони 38 миллион 382 минг 685 кишини ташкил этган. Жорий йил июнь охирида эълон қилинган рўйхатга олиш натижаларига кўра эса, юртимиз аҳолиси 39 миллион нафардан ошган. Яъни мамлакатимизда аҳоли сони 1989 йилдаги рўйхатга олиш натижаларига нисбатан 2 баробар ортган. Бу рақам истиқлол йилларида халқимиз нуфуси икки карра кўпайганидан далолат беради.

Янги Ўзбекистонда туризм соҳаси жадал ривожланиб, тарихий рекордларни янгиламоқда ва юртимизга бир ойнинг ўзида 1 миллион сайёҳ келиши одатий ҳолга айланмоқда. Мамлакатимизга келган хорижлик сайёҳлар сони 2025 йилда қарийб 12 миллионга етгани ва жорий йилнинг биринчи ярмида 6,5 миллиондан ортиқни ташкил этгани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Шу маънода, Ўзбекистонда 35 йиллик мустақиллик даврида қўлга киритилган энг асосий ютуқлар, аввало, миллий давлатчилик асосларини қуриш, иқтисодий суверенитет, инфратузилма мустақиллиги ва глобал дунёга интеграциялашув билан боғлиқлиги бежиз эмас. Бунда, аввало, давлатчилик ва суверенитетни шакллантириш, ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш йўналишларида қатор муҳим тарихий натижаларга эришилди.

Бу ҳақда фикр юритганда, Ўзбекистон мустақиллик йилларида турли соҳаларда эришган бемисл ютуқларнинг аксарияти охирги ўн йилга тўғри келишини алоҳида эътироф этиш керак. Янги Ўзбекистондаги энг асосий ютуқлар иқтисодий эркинлик, халқаро очиқлик, давлат хизматларининг рақамлашиши ва ижтимоий соҳадаги туб бурилишлар билан чамбарчас боғлиқ.

Жаҳон сиёсатининг фаол ва ташаббускор субъекти

Янги таҳрирдаги Конституцияда ҳар бир инсоннинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун миллий ва халқаро институтларга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланди. Конституциявий шикоят институти конституциявий даражада мустаҳкамланиб, фуқаролар Конституциявий судга бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Жаҳон мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг мақоми конституциявий даражада таъминланди.

Янада муҳими, сўнгги йилларда янги Ўзбекистон жаҳон сиёсатининг объекти эмас, балки том маънода фаол ва ташаббускор субъектига айланди. Зеро, XX аср бошидан



яқин даврларгача Ўзбекистон жаҳон сиёсати объекти бўлган ва унга нисбатан гоҳ “яқин хориж”, гоҳ “хомашё базаси”, гоҳ эса “постсовет ҳудуди” каби беписанд “ёрлиқ”лар қўлланиб келингани сир эмас.

Кейинги ўн йилда мамлакатимиз жаҳон сиёсатида бошқаларнинг ортидан эргашадиган ташаббуссиз объект ҳолатидан дадил чиқиб олди. Эътиборли жиҳати, дунёда кескин геосиёсий ўзгаришлар юз бераётган бугунги мураккаб шароитда янги Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятга иқлимни муҳофаза қилиш, “яшил иқтисодиёт”ни жорий этиш, фуқаросизликка барҳам бериш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш каби турли соҳаларда янги ғоя ҳамда ташаббусларни тақдим этаётган жаҳон сиёсатининг фаол акторидир.

Эътибор беринг: мамлакатимиз БМТнинг фуқаросизликни бартараф этиш бўйича мақсадларига эришиш ва парламент дипломатиясини ривожлантиришга қаратилган ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини тасдиқлайди.

Бу ҳужжат Ўзбекистоннинг парламент ролига оид биринчи ташаббуси эмас. Бундан аввал, 2022 йил 14 декабрда ҳам БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон ташаббуси билан “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги махсус резолюция қабул қилинган.

Давлатимиз раҳбари минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича ҳам қатор ташаббусларни илгари сурди. Марказий Осиё давлатлари бугун долзарб бўлган минтақавий масалаларни очиқ ва самимий муҳокама қила бошлади. Натижада халқаро сиёсий луғатда минтақавий тараққиётни таъминлашга



тавсияларини бажариш борасида тарихий ютуққа эришди. Гап шундаки, 1991 йилдан 2016 йилгача бор-йўғи 482 киши Ўзбекистон фуқаролигини олган бўлса, 2017 йилдан 2026 йилгача 85 мингдан ортиқ киши Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлди. Бу кўрсаткич мамлакатимиздаги инсонпарвар сиёсат жамиятнинг ҳамма қатламини қамраб олиш ва инсон қадр-қимматини том маънода ҳурмат қилишга қаратилганини баралла намоён этади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 15 та резолюция қабул қилинди. Бу ҳақда сўз борганда БМТ Бош Ассамблеяси 2026 йил июлда Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилган **“Ижтимоий ривожланишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”**ги резолюцияни қабул қилган.

> **Президентимиз ташаббуси асосида ишлаб чиқилган “Инсон ҳуқуқлари — 2030” стратегияси лойиҳаси кенг жамоатчилик томонидан қизғин қўллаб-қувватлангани бежиз эмас. Бу — янги Ўзбекистон тарихида инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи Миллий стратегиядир.**

Мазкур ҳужжатга дунёнинг барча минтақасини ифодаловчи, БМТга аъзо 61 давлат ҳаммуаллиф бўлди. Бу Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожланиш, Барқарор ривожланиш мулоқот, глобал ҳаракатлар ва бутун дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби ғояларни фаол илгари сурмоқда.

Инсон қадри улуғ, ҳуқуқлари дахлсиз

Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” деган инсонпарвар ғоя давлат сиёсатининг бош мезони сифатида қарор топди. Энди ҳар бир қонун, қарор ва дастур, аввало, инсон манфаатига хизмат қилиши, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаши, муносиб ҳаёт шароитини яратиши лозим.

Ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари замонавий цивилизация тараққиёти даражасини кўрсатиб турувчи мезондир. Афсуски, дунёда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий инқирозлар, геосиёсий ўзгаришлар ва қуролли можаролар инсон ҳуқуқлари масалаларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, **“Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ — қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари — биз учун олий қадрият”.** Янги Ўзбекистонни барпо этиш билан боғлиқ янгича ислоҳотлар шароитида “инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, айниқса, қадри — энг муҳим қадрият” деган тамойил эътироф этилмоқда.

Президентимиз ташаббуси асосида ишлаб чиқилган “Инсон ҳуқуқлари — 2030” стратегияси лойиҳаси кенг жамоатчилик томонидан қизғин қўллаб-қувватлангани бежиз эмас. Бу — янги Ўзбекистон тарихида инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи Миллий стратегиядир.

“Инсон ҳуқуқлари — 2030” стратегияси лойиҳаси 12 бобдан иборат. Унда:

— Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг жорий ҳолат тавсифи;

— Стратегиянинг мақсад ва вазифалари;

— Инсон ҳуқуқлари стратегиясини амалга оширишнинг асосий принциплари;

— Инсон ҳуқуқлари стратегиясини амалга ошириш механизмлари бўйича чора-тадбирлар дастури;

— Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар;

— Стратегияни амалга оширишни мониторинг қилиш ва ҳисобот бериш тартиби;

— Стратегияни амалга оширишнинг молиявий ва ресурс таъминоти;

— Стратегияни амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш механизми каби масалалар ўз ифодасини топган.

Муҳими, “Инсон ҳуқуқлари — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури 4 устувор йўналишдан иборат “натижа” кўрсаткичлари ва “бевосита фаолият натижаси” кўрсаткичларини қамраб олган. Бу ўринда:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий қонунчиликни такомиллаштириш;

иккинчидан, аҳолининг эҳтиёжманд тоифалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда инклюзив ва ижтимоий адолатли жамиятни шакллантириш;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим тизимини ривожлантириш;

тўртинчидан, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва халқаро мажбуриятлар ижросини таъминлашдан иборат устувор йўналишлар ҳақида сўз бормоқда.

Шундай қилиб, “Инсон ҳуқуқлари — 2030” стратегияси тасдиқлангач, унда белгиланган устувор йўналишлар ижросининг тўлиқ ҳамда ўз вақтида таъминланиши, шубҳасиз, янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Учинчи Ренессанс — стратегик вазифамиз

Сўнгги йилларда мамлакатимиз, минтақамиз, бутун сайёрамиз миқёсида тинчликни сақлаш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, маънавият ва маърифатни ривожлантириш, экологияни муҳофаза қилиш, шунингдек, илғор инновациялар, замонавий технологиялар ва “яшил иқтисодиёт”ни чуқур татбиқ этиш орқали барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида том маънода бемисл самараларга



эришилмоқда. Ушбу натижаларнинг барчаси инсон қадрини улуғлашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятли.

Мамлакатимиз 2028 йилда илк илмий сунъий йўлдошини фазога учиришни режалаштирмоқда. Мазкур лойиҳанинг Мирзо Улуғбек номи билан аталиши ва у нафақат космик технологияларни ривожлантириш, балки миллий-илмий мактабни шакллантириш ва ёш мутахассисларни тайёрлашга ҳам хизмат қилиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистонимизнинг биринчи миллий космонавтини қисқа муддатли космик парвозга тайёрлаш ишлари ҳам бошланиб кетди.

Ватанимиз, халқимиз, миллатимиз намояндалари юксакларга парвоз қилиш ҳақида, фазо ва коинот, юлдузлар ва сайёралар кашфи хусусида анчадан буён ўйламай ва интилмай, таъбир жоиз бўлса, орзу ҳам қилмай қўйганди, назаримда. Бу ўринда, аввало, шоҳ ва олим бобомиз Мирзо Улуғбек ҳазратлари замонаси назарда тутилмоқда.

Истиқлолнинг 35 йиллиги катта байрам қилинаётган жорий йилда Соҳибқирон Амир Темур, Мир Алишер Навоий боболаримизнинг қутлуғ таваллуд айёмлари ҳам кенг нишонлангани замирида ўзига хос рамзий маъно мужассам. Зеро, улуғ аллома аждодимиз Абу Райҳон Берунийнинг “Вақт пиллапояси чексиздир, бир-бирининг ўрнини эгаллаб борадиган авлодлар зинадан зинагача кўтариладилар, холос. Жамланган тажрибани ҳар бир авлод ўзидан кейин келаётган, ўзидан кейин уни тараққий эттирадиган ва бойитадиган навбатдаги авлодга етказиб беради”, деган пурҳикмат фикрлари бор. Бу бебаҳо фикрларни изчил ривожлантириш асносида Биринчи ва Иккинчи Шарқ Уйғониш даври — ана шу икки Ренессанс том маънода инсоният тараққиётининг олтин пиллапоялари сифатида тарих саҳифаларига муҳрланган.

Шарқнинг бутун инсоният тарихидаги нодир ижтимоий ҳодиса бўлган ҳар икки Ренессанси буюк аждодларимизнинг илм-маърифат ва кучли эътиқод, диний бағрикенглик ва инсонпарварлик борасидаги эзгу ғоялари билан йўғрилган эди. Бу ғоялар Ўзбекистон мустақиллиги йилларида алоҳида, янада теран маъно-мазмун касб этиб бормоқда.

Мамлакатимизда Учинчи Ренессансни XX асрда маърифатпарвар жадидлар амалга ошириши мумкин эди. Бу фидойи ва жонкуяр зотлар бутун умрини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни ғафлат ботқоғидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этган.

Шукрки, Президентимиз ташаббуси билан янги Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад этиб белгиланди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “**Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз**”.

Экологик тоза энергия манбаларини ривожлантириш, янги қувватларни ишга тушириш аҳоли ва корхоналарнинг электр энергиясига эҳтиёжини барқарор таъминлашда жуда муҳим.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz

yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Муқобил энергия

Ўтган даврда Сурхондарё вилоятидаги 8320 та ижтимоий соҳа объекти, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли хонадонларига умумий қуввати 110,4 мегаватт бўлган қуёш панеллари ўрнатилди. Бу орқали 298,2 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда.



ЭКОЛОГИК ТОЗА ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ МАНБА

Бошланиши 1-бетда

Жумладан, Сурхондарёдаги гидроэлектр станциялари вилоятнинг энергетика салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, аҳолини барқарор электр энергияси билан таъминлаш ва иқтисодий ривожланишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, вилоят шимолидаги йирик энергетика объектларидан бири бўлган “Тўпаланг” гидроэлектр станцияси тубдан модернизация қилинди. 2023 йили янги гидроагрегатлар ишга туширилиши туфайли станциянинг ишлаб чиқариш қуввати қарийб 7,2 баробар ошди. Янги қувватлар ишга туширилиши натижасида эса бир каскадда жойлашган тўртта гидроэлектр станциясининг умумий ишлаб чиқариш қуввати 276 мегаваттга етди.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 28 мартдаги “Республика ҳудудларида микро гидроэлектр станциялари тармоғини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мамлакатдаги энергетика соҳасини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш йўлида муҳим босқич бўлди. Мазкур қарорда микро гидроэлектр станцияларини қуриш ва фаолиятини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланиб, соҳадаги ишлар миқёсини сезиларли даражада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Қарорга мувофиқ 2025-2026 йилларда Сурхондарё вилоятида умумий қуввати 9,288 киловатт бўлган микро гидроэлектр станцияларини барпо этиш ва ишга тушириш режалаштирилган. Ҳозир эса микро гидроэлектр станциялари босқичма-босқич фойдаланишга топширилмоқда.

“Зарчоб-3” микро ГЭСи ҳудуддаги истиқболли энергетика лойиҳаларидан. Қуввати 230 киловаттни ташкил этувчи мазкур иншоотда бугун қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ якунланган. Айни пайтда микро ГЭСнинг асосий ускуналари механик синовлардан муваффақиятли ўтказилиб, объектни ишга тушириш олдидан муҳим босқич бўлган 72 соатли синов режими амалга оширилмоқда. Мазкур жараён ҳам станцияда барча тизим ва агрегатларнинг ишончли ҳамда барқарор ишлашини текшириш имконини беради.

— Тўпаланг дарёсида қурилган “Зарчоб-3” кичик гидроэлектр станцияси Сурхондарё вилоятининг гидроэнергетика салоҳиятини оширишга хизмат қилаётган муҳим лойиҳа. Қуввати соатига 16 мегаваттни ташкил этувчи мазкур иншоот маҳаллий сув ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган, — дейди “Зарчоб-3” микро ГЭСи муҳандиси Шаҳбоз Сафаров.

Экологик тоза энергия манбаларини ривожлантириш, янги қувватларни ишга тушириш аҳоли ва корхоналарнинг электр энергиясига эҳтиёжини барқарор таъминлашда жуда муҳим.



Бу каби лойиҳалар энергетика тизимини мустаҳкамлаш билан бирга ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳам янгича суръат бағишлайди. Айниқса, кейинги йилларда энергетика соҳасидаги ўзгаришлар маҳаллий аҳоли ҳаётида ҳам ўз аксини топмоқда.

Сўнгги йилларда вилоятнинг бошқа қатор ҳудудларида ҳам “Тўпаланг” ГЭС таркибида микро ГЭСлар барпо этилмоқда. Ана шундай кичик лойиҳалардан бири Қумқўрғон тумани ҳудудида жойлашган ва у маҳаллий аҳолини экологик тоза ҳамда барқарор электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади.

— Қумқўрғон туманида қурилган кичик микро ГЭС сув ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу эса бир томондан энергетика тизими қувватини оширса, иккинчи томондан қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш имконини беради, — дейди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ “Тўпаланг” ГЭС филиали электромеханика бўлими бошлиғи Акмал Ҳайитов.



Жарқўрғон тумани Сурхондарё вилоятининг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, асосан пасттекислик сифатида тавсифланади. География жойлашувига кўра, бу ерда табиий равишда юқори сув босими мавжуд эмас. Шунингдек, кўп ҳолларда гидроэлектр станциялари қуришда зарур бўлган баландлик фарқи, яъни гравитация босими етарли даражада бўлмайди.

Шунга қарамай, ушбу ҳудудда сув оқими тезлиги юқори бўлган каналлар мавжуд. Ана шу гидрологик имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда сув босимисиз, фақат унинг оқими тезлигига асосланган микро гидроэлектр станциялари қурилди.

Аму Занг канали ёқасида жойлашган “Жарқўрғон” микро ГЭСи ана шу лойиҳалардан бўлиб, сув оқимининг табиий ҳаракатини энергия манбаига айлантиришда замонавий технологиялардан фойдаланилган.

— Тумандан оқиб ўтувчи ушбу каналнинг Ўзбекистон маҳалласи ҳудудидаги қисмида 2025 йил бошида “Тўпаланг” таркибидаги “Жарқўрғон” микро ГЭСи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Микро гидроэлектр станциясининг ишга туширилиши ортидан маҳалланинг электр таъминотидаги барқарорлиги янада мустаҳкамланди. Айниқса, авваллари тез-тез кузатилган ток узилишлари тўхтади. Бу эса аҳолининг маиший техника ва ёритиш воситаларидан фойдаланишида катта қулайлик яратди. Шу билан бирга, йилнинг мавсумий юклама юқори бўладиган даврида ҳам таъминот барқарорлиги сақланишига имконият яратди, — дейди “Ўзбекистон” МФЙ фаоли Менгли Алиқулов.

Келгусида ҳам Сурхондарёнинг гидроэнергетика салоҳиятидан самарали фойдаланиш, янги микро ГЭСларни барпо этиш ва мавжуд қувватларни кенгайтириш бўйича қатор истиқболли режалар ишлаб чиқилган.

Республикамизда “яшил иқтисодиёт” тизимини жорий қилиш, ижтимоий соҳа объектлари ва аҳоли турар жой биноларида энергия самарадорлигини ошириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Бу йўналишда Сурхондарё вилоятида ҳам эътиборга молик ишлар бажарилмоқда. Хусусан, аҳоли хонадонлари, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, муассасаларда замонавий қуёш панеллари ва қуёш сув иситкичларини ўрнатиш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда.

Натижада ўтган даврда Сурхондарё вилоятидаги 8320 та ижтимоий соҳа объекти, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли хонадонларига умумий қуввати 110,4 мегаватт бўлган қуёш панеллари ўрнатилди. Бу орқали 298,2 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда.

Масалан, Термиз шаҳридаги сув таъминоти тизимига қарашли ер ости сувини қайта ишлаш иншооти ҳудудидаги майдондан самарали фойдаланиш мақсадида йирик лойиҳа амалга оширилди. Мазкур ҳудудда вилоятдаги 5 та олий таълим муассасаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят сув таъминоти корхонаси ҳамкорлигида муассасалар эҳтиёжи учун умумий қуввати 7,2 мегаватт бўлган қуёш панеллари жойлаштирилди.

Жумладан, лойиҳа доирасида Термиз давлат университети томонидан қуввати 2,7 мегаватт бўлган қуёш панеллари ўрнатилди. Бу орқали олий таълим муассасасининг электр энергиясига эҳтиёжи тўлиқ қопланди. Шу билан бирга, ишлаб чиқарилаётган ортиқча электр энергияси умумий тармоққа сотилиб, университет учун қўшимча молиявий манба яратилди.

— Узоққа бормайлик, бундан атиги 10 йил аввал ҳам университетимиз электр энергиясидан катта миқдорда қарздор бўлиб, ток манбаидан узиб ташланарди. Аудиториялар қоронғи, замонавий лаборатория ва техник ускуналар талабалар учун хизмат қилмасди. Бугун университетимиз ўз кампусини электр энергияси билан тўлиқ таъминлаш баробарида ортганини сотиб, фойда ҳам кўряпти, — дейди Термиз давлат университети бош энергетиги Латиф Тўрақулов.

Юртимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва аҳолини “яшил энергия” технологияларини жорий этишга рағбатлантириш мақсадида қатор имтиёз ва енгилликлар яратилган. Хусусан, қуёш панелларини ўрнатиб, улардан самарали фойдаланаётган фуқаролар давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

— Университетимизда ходимларни қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга рағбатлантириш мақсадида қулай механизм йўлга қўйилди. Унга кўра, университет ходимларига ссуда шаклида имтиёзли қарз маблағи ажратилиб, хонадонига қуёш панеллари ўрнатиляпти, — дейди Термиз давлат университети проректори Алишер Шайдуллаев.

Бугун иқтисодиётнинг глобаллашув жараёни илм-фан, инновация ва замонавий технологиялар билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, иқтидорли ва ташаббускор ёшларнинг илмий салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда қўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан. Хусусан, профессор-ўқитувчилар томонидан таълим жараёнини янада такомиллаштириш, талабаларнинг назарий билим ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, физика ва математика йўналишида фаолият юритаётган ассистент, мустақил тадқиқотчи ҳамда иқтидорли талабалар иштирокида илмий тадқиқот ишлари кенг йўлга қўйилган.

Олий таълим муассасасида илмий-инновацион ишланмаларга катта эътибор қаратилаётгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Эътиборлиси, бугун университет ёшлари энергия тежамкорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланишга қаратилган инновацион лойиҳалар устида илмий тадқиқотлар ўтказмоқда. Жумладан, физика-математика факультети талабаси Ботир Йўлдошев бугун қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланишга қаратилган инновацион лойиҳа устида ишламоқда.

Ёш тадқиқотчи қуёш панеллари асосида ишловчи сув тежовчи қурилма яратиш орқали қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласига ечим топишни мақсад қилган.

— Биз тақдим этаётган мазкур қурилма суғориш имкониятлари чекланган ҳудудлардаги иссиқхоналарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан юқори ҳосил олишга хизмат қилиши мумкин. Лойиҳа сув сарфини камайтириш, энергия тежамкорлигини таъминлаш ва экологик барқарор қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган, — дейди Термиз давлат университети талабаси Ботир Йўлдошев.

Электр энергияси барқарорлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар, кўрилаётган таъсирчан чоралар мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлиги, аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Зеро, табиий захиралар камайиб, талаб эса каррасига ошиб бораётган бир шароитда иқтисодий тараққиётни мақсад қилган ҳар қандай давлат учун энг мақбул йўл —“яшил” энергетика. Шу боис, юртимизда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имконияти жуда катта. Демак, бу борада бошланган ишлар кўлами янада кенгайиб, самарадорлиги ортаверади.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугуннинг гапи



ЕР АЖРАТИШ ОРҚАЛИ ЁШЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Қорақалпоғистоннинг Беруний тумани Турон маҳалласида 5570 киши истиқомат қилади. Маҳалланинг асосий драйвери — чорвачилик ва деҳқончилик. Шу боис, туронлик ёшлар сабзавот ва полиз экинлари экиб, оиласига мўмай даромад келтириш билан бирга ички бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг арзон бўлишига ҳам ҳисса қўшмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 5 апрелдаги “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан туманимиздаги 600 дан ортиқ ёшга 30 сотихдан 1 гектаргача ер ажратилиб, бандлиги таъминланган, — дейди Халқ депутатлари Беруний тумани кенгаши котибияти мудири Маҳмуд Қодиров. — Хусусан, Турон маҳалласидаги 30 ёшга 30 сотихдан ер берилиб, ҳозир бу ерларда полиз маҳсулотлари ва қовун етиштирилмоқда. Ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланишга интилган ёшлар тажрибали томорқачилар билан мунтазам маслаҳатлашиб, фикр алмашиб туради. Берилаётган имконият ва имтиёзлар ҳудудларнинг янги қиёфага кириши, мурожаатларнинг маҳаллада ҳал этилиши, бир сўз билан айтганда, маҳалланинг том маънода халқимизнинг бирдамлигини таъминлайдиган ўзини ўзи бошқариш тизимига айланишига хизмат қилмоқда.

Туманнинг Лолазор маҳалласидаги 6000 фуқаронинг 1500 нафарини ёшлар ташкил этади. Юқоридаги қарорга кўра, уларнинг 15 нафарига 30 йиллик ижара шартномаси асосида 30 сотихдан ер ажратиб берилган. Бу ерларга сабзавот ва полиз маҳсулотлари эккан ёшлар йил охиригача яхшигина даромадли бўлади.

Томорқадан самарали фойдаланиш бўйича туманнинг ўз тажриба мактаби бор. Масалан, Палваш маҳалласида яшовчи Мадиёр Сейтназаров уйи атрофидаги 56 сотих томорқасида қўшимча арча, хризантема, шафран ва бир қанча гул кўчатлари уруғини етиштиришни йўлга қўйган. 6 йил олдин бошланган иш бугун оилавий бизнесга айланган.

— Бир кўчат 2 йилда экиш учун тўлиқ етилади. Олдинлари уруғни Фарғона вилоятидан олиб келган бўлсам, энди уруғчиликни томорқамда йўлга қўйганман. Ҳозир куз мавсумида экиш учун 3000 туп ниҳол тайёр ҳолатга келган. Буюртма асосида қўшни туманларга ҳам кўчат етказиб беришни йўлга қўйганман, — дейди Мадиёр Сейтназаров. — Мақсадим аҳолида табиатни асраш, ўз уйи олдида яшил майдон яратишга қизиқиш уйғотиш.

Агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилса, кўчатлар турли касалликларга чалинмайди. Бу бўйича Мадиёр томорқачида тажриба етарли. Мавсум давомида 10 нафаргача мавсумий ишчи ишлатади. Бу шунча одамнинг оиласига даромад кирди дегани. Яхши етиштирилган ҳар бир туп кўчат 30-40 минг сўмдан сотилади.

Маҳаллада аҳолининг ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш ва даромад олиш борасидаги тажрибаси юқори. Бу эса ҳудуднинг оғир маҳалла тоифасидан чиқиши, драйвер лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши, аҳоли бандлиги таъминланиши, даромадларнинг кўпайишига ёрдам бермоқда.


Тикувчилик ҳунарини онасидан ўрганиб, энди кўплаб шогирдларга устозлик қилаётган Зулфия Рейимбоева туманнинг Хоразм маҳалласида истиқомат қилади. Тикувчилик учун зарур тикув машиналарини “маҳалла еттилиги” ёрдами билан имтиёзли кредит асосида сотиб олди. Ҳозир “Ҳунарманд” уюшмаси томонидан “устоз-шогирд” тизими асосидаги субсидияга эга бўлиб, қизларга ҳунар ўргатиб келмоқда. Замонавий либослар, тўй сарполари, шунингдек, қуроқ кўрпа ва кўрпачаларни маромига етказиб тикишни йўлга қўйган. Ҳунарнинг фойдасини билган Зулфия бу борада янги лойиҳаларни йўлга қўйиб, ишини янада кенгайтирмоқчи.

Тумандаги қарийб 500 гектар ерда сунъий кўллар ташкил этилиб, аукционда 49 йилга ижара шартномаси асосида тадбиркорларга сотилиши режалаштирилган. Балиқчилик йўналишини янада ривожлантириш, аҳолининг истеъмол талабидан келиб чиққан ҳолда ички бозорга арзон балиқ етказиб бериш мақсад қилинган.

— Туманимизда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги ёшларга ҳар томонлама ёрдам бериб келинмоқда, — дейди туман ҳокими ўринбосари Давронбек Каримов. — Масалан, балиқчилик тармоғини ривожлантириш учун “Олтинсой” овул фуқаролар йиғини ҳудудида сунъий кўллар ташкил этилган. Соҳага ёшларни қизиқтириш учун сунъий кўл ҳавзаларига бизнес саёҳатлар ташкил этяпмиз.

Беруний туманидаги кўплаб йигит-қизлар касб-ҳунар ўрганиб, ўз тадбиркорлигини бошлаётган бўлса, чорва ва деҳқончиликка мослашган ҳудудларда илмий ёндашув асосида анъанавий мактаб тажрибаси қўл келмоқда.


Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири





Юксалиш палласи

ХАЛҚИМИЗ ТАҚДИРИНИ ЎЗГАРТИРГАН БУЮК НЕЪМАТ



Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА,
Тошкент давлат аграр университети профессори

Бошланиши 1-бетда

Олий таълимни модернизация қилишда 2017 йил туб бурилиш нуқтаси бўлди. Президентимизнинг ўша йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳадаги давлат сиёсатининг янги йўналишларини белгилаб берди.

Илгари асосий вазифа мавжуд тизимни сақлаш ва такомиллаштиришдан иборат бўлган, энди эса уни сифат жиҳатидан ўзгартиришга устувор аҳамият қаратила бошланди. Университет нафақат ёшларга билим берувчи маскан, балки илмий тадқиқотлар, инновациялар, халқаро ҳамкорлик маркази ҳамда келажак иқтисодиёти учун кадрлар тайёрлайдиган даргоҳга айланиши керак эди.

Келгуси йилларда қабул қилинган стратегик ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, халқаро таълим стандартларини жорий этиш, университетларнинг академик мустақиллигини таъминлаш, таълим муҳитини рақамлаштириш ҳамда таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни мустаҳкамлашга қаратилди. Кенг кўламли ислоҳотлар натижасида соҳанинг мазмун-моҳияти, фалсафаси тубдан ўзгарди. Яъни мамлакатимизда замонавий талабларга жавоб берадиган мутлақо янги олий таълим модели шаклланди.

Ислоҳотларнинг натижаси, аввало, рақамларда ўлчанади. Шу боис, айрим статистик кўрсаткичларга назар ташласак. Агар 2016 йилда республика олий таълим муассасаларида 270 мингга яқин талаба таҳсил олган бўлса, 2025/2026 ўқув йилига келиб уларнинг сони 1 миллион 535 мингга етди. Демак, атиги ўн йил ичида талабаларнинг умумий сони қарийб олти баробар ошди. Айниқса, сўнгги 4-5 йилда кузатилган ўсиш суръати ҳайратланарли. Бу даврда талабалар сони 808,4 мингдан 1 миллион 535 минг нафаргача кўпайди. Ушбу кўрсаткич нафақат Марказий Осиё, балки кўплаб ривожланаётган давлатлар орасида ҳам энг юқори натижалардан бири ҳисобланади.

Табиийки, бундай ўсиш олий таълим билан қамров даражаси сезиларли ошишига олиб келди. 2015 йилларда ёшларнинг олий таълим билан қамраб олиниш даражаси бор-йўғи 7 фоиз атрофида бўлган. Бугунги кунга келиб эса ушбу кўрсаткич қарийб 50 фоизга етди. Эътиборлиси, олий таълимда хотин-қизлар улуши сезиларли даражада ошди. Жумладан, 2025/2026 ўқув йили якунларига кўра, олий таълим муассасалари талабалари орасида қизларнинг сони 782,9 мингга етиб, мамлакат тарихида илк бор ўғил бола талабаларнинг сонидан ортди.

Худди шу тенденция қабул жараёнларида ҳам кузатиляпти. Хусусан, 2024/2025 ўқув йилида ўқишга қабул қилинган 381,7 минг талабанинг 196,7 мингини қизлар ташкил этди. Бу, бир томондан, олий таълим қамрови ортиб бораётганини кўрсатса, иккинчи томондан, хотин-қизларнинг билим олиши, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун яратилаётган кенг имкониятларнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Ўтган йилларда юртимизда университет ва институтлар сони кескин кўпайди. 2010 йилларнинг ўрталарида мамлакатда 77 га яқин олий таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, 2025 йилга келиб 200 тадан ошди. Давлат университетлари қаторида нодавлат олий таълим муассасалари пайдо бўла бошлади, етакчи хорижий университетлар филиаллари очилди, қўшма таълим дастурлари кенгайди. Бугун ёшлар давлат ва нодавлат университетлар, миллий ҳамда халқаро таълим дастурлари ўртасида эркин танлов қила олади. Керак бўлса, мамлакатдан чиқмаган ҳолда нуфузли хорижий университет дипломини қўлга киритиш имконияти ҳам бор.





“Ўзбекистонда таълим давлат сиёсатининг стратегик устунларидан бирига айланди. Ўттиз беш йил ичида мамлакатимиз миллий олий таълим тизимини шакллантиришдан халқаро стандартларга мос, инновацияларга таянувчи ва рақобатбардош кадрлар тайёрлайдиган замонавий тизимни яратишгача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтди.

Ўн йил аввал мамлакатда нодавлат университетлар деярли бўлмаган, бугун эса ўнлаб хусусий олий таълим муассасалари ёшларга сифатли таълим бермоқда. Шу билан бирга, мамлакатимизда Буюк Британия, Россия, Жанубий Корея, Италия, Туркия, Сингапур, Беларусь ва бошқа қатор давлатларнинг нуфузли университетлари филиаллари очилди.

Натижада университетлар ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланди, соҳага замонавий таълим технологиялари кенг жорий этилди, мутахассисларни тайёрлаш механизмлари тубдан такомиллашди. Қисқа қилиб айтганда, ислоҳотларнинг дастлабки йилларида асосий эътибор миллий олий таълим тизимини шакллантиришга қаратилган бўлса, бугунги кунда унинг сифати, замонавий меҳнат бозори талабларига жавоб бериши ва халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш устувор вазифага айланди.

Халқаро рейтингларда муносиб ўрин

Ҳозирги замонда таълим сифати фақат миллий стандартлар билан эмас, балки университетларнинг халқаро илмий таълим жараёнларига қай даражада интеграциялашгани, глобал ҳамкорликда қанчалик фаол иштирок этаётгани билан ҳам баҳоланади. Шу нуқтаи назардан, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш юртимиз олий таълим тизимидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Сўнгги йилларда университетларнинг хорижий институтлар ва илмий-тадқиқот институтлари билан алоқалари анча фаоллашди. Қўшма диплом дастурлари йўлга қўйиляпти, талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг академик мобиллиги, қўшма илмий тадқиқотлар кўлами кенгаймоқда.

Бу ўзгаришлар халқаро рейтингларда аксини топмоқда. Илгари Ўзбекистон университетларини жаҳон рейтингларида кўриш орзу бўлган, бугун эса ана шу орзу реал воқеликка айланди. Хусусан, олий таълим муассасаларимиз мунтазам равишда QS World University Rankings, Times Higher Education (THE), THE Impact Rankings, UI GreenMetric ва бошқа нуфузли халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгалламоқда. Албатта, ислоҳотларнинг пировард мақсади шунчаки рейтингларга кириш эмас. Бироқ айнан шу кўрсаткич университет фаолиятини халқаро мезонлар асосида холис баҳолаш, таълим сифатини ошириш, илмий тадқиқотларни кучайтириш ҳамда бошқарувнинг энг илғор тажрибаларини жорий этиш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ислоҳотлар марказида — ўқитувчи

Ҳар қандай соҳадаги ислоҳотнинг натижадорлиги, аввало, ўша жабҳада меҳнат қилаётган фидойи инсонларга боғлиқ. Тиббиётда бу — шифокор, тадбиркорликда — ишбилармонлар, ахборот технологияларида — дастурчилар, таълимда эса ўқитувчи. Президентимиз бежиз “Янги Ўзбекистонда энг муҳим соҳа — таълим, энг ҳурматли инсонлар — ўқитувчилар ва мураббийлар”, демаган.

Яна бир гап. Таълим соҳасига қанча маблағ ажратилмасин, жаҳон андозаларига жавоб берадиган инфратузилма яратилмасин, хорижий тажриба олиб кирилмасин, ўқитувчи ўз дунёқараши, ишига муносабатини ўзгартирмас экан, ҳатто пухта ўйланган ислоҳот ҳам самара бермайди. Айнан шунинг учун кейинги йилларда педагогларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш ва меҳнатини муносиб рағбатлантириш масалалари давлат сиёсатида устувор ўрин эгаллади.

Бу борадаги муҳим қадамлардан бири 2018 йилда давлатимиз раҳбарининг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарори қабул қилиниши бўлди. Унга мувофиқ, 2018 йил 1 сентябрдан профессор-ўқитувчиларнинг базавий лавозим маошлари ўртача 25 фоиз оширилди.

Илк бор илмий даража, унвон ва малакага қараб меҳнатга ҳақ тўлаш тизими янада такомиллаштирилди. Бу эса илмий тадқиқотлар, диссертация ҳимоя қилиш, касбий маҳоратни ошириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун кучли туртки бўлди.

Шу билан бирга, профессор-ўқитувчилар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Жанубий Корея, Япония, Германия ва бошқа мамлакатларнинг етакчи университетларида стажировка ўташ имкониятлари кенгайди. Малака ошириш дастурлари замонавий талаблар асосида қайта кўриб чиқилди, таълим жараёнига рақамли технологиялар, инновацион педагогик ёндашувлар ва халқаро тажриба кенг жорий этила бошлади. Қолаверса, ёш тадқиқотчилар ва докторантларнинг илмий ишланмаларини амалиётга жорий этиши, патентлар олиши ҳамда инновацион ғояларни тижоратлаштириши учун моддий рағбатлантириш механизмлари яратилди.

Университетларнинг академик мустақиллигини ошириш ислоҳотларнинг муҳим қисмига айланди. Бугун олий таълим муассасалари таълим дастурларини шакллантириш, молиявий ресурсларни бошқариш, илмий фаолиятни ташкил этиш, кадрлар сиёсати ва халқаро ҳамкорлик масалаларида кўпроқ ваколатларга эга бўлмоқда.

Таълим жараёнларини рақамлаштириш профессор-ўқитувчилар учун кенг қулайликлар яратди. Ҳужжатларнинг электрон шаклда юритилиши ва янги ахборот тизимлари жорий этилиши натижасида педагоглар асосий вақтини энг муҳим вазифаси — талабаларга сифатли таълим бериш ва илмий тадқиқотлар билан шуғулланишга ажратмоқда.

* * *

Ўзбекистонда таълим давлат сиёсатининг стратегик устунларидан бирига айланди. Ўттиз беш йил ичида мамлакатимиз миллий олий таълим тизимини шакллантиришдан халқаро стандартларга мос, инновацияларга таянувчи ва рақобатбардош кадрлар тайёрлайдиган замонавий тизимни яратишгача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтди.

Айниқса, сўнгги ўн йил ичидаги ўзгаришлар ўз кўлами ва натижадорлиги билан олий таълим соҳасида бутунлай янги саҳифа очди. Буни рақамларда ҳам кўришимиз мумкин. Аммо рақамлар ортида кўзга ташланмайдиган жиҳатлар борки, булар минглаб ёшлар тақдири ўзгариши, педагоглар мақоми юксалиши, одамларнинг розилиги, инсон қадри улуғланиши, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни мустаҳкамланишидир.

Бугун олий ўқув юртларимиз шунчаки таълим маскани эмас, балки янги ғоялар туғиладиган, илмий кашфиётлар яратиладиган ва ижтимоий ташаббуслар шаклланадиган марказларга айланяпти. Айнан шу ерда мамлакатнинг энг катта бойлиги — ёшлар камол топмоқда.

Албатта, эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмаслик керак. Олдинда ҳали қилинадиган ишлар кўп. Бугун биз порлоқ келажак сари етакловчи йўлнинг ҳал қилувчи нуқтасида турибмиз. Шу йўлдан оғмай, барча эзгу ишларимизни рўёбга чиқаришда истиқлолимизнинг ҳаётбахш руҳи бизга мададкор бўлсин.

ИЛМ ЖАМИЯТДА ЯШАШИ КЕРАК



Севара АБДУЛЛАЕВА,
Инновацион ривожланиш агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

Мулоҳаза

Илмий салоҳиятни қайси мезон билан ўлчаган маъқул? Лабораторияларда яратилган кашфиётлар ёки чоп этилган илмий мақолалар сони биланми? Ҳа, шубҳасиз, булар муҳим ўлчов. Бироқ бугун олдимизда яна бир улкан вазифа турибди: яратилган билим ва технологияларни амалиётга татбиқ этиш масаласи. Боиси, илмий ишланмалар қанчалик кўп бўлмасин, агар у амалиётда қўлланмаса ва янги изланишларга туртки бермаса, унинг имконияти тўлиқ намоён бўлмайди.



Айниқса, ахборот оқими ҳаддан ташқари тезлашган бугунги даврда бу масаланинг аҳамияти янада ортмоқда. Ёшлар кимни кўпроқ кузатса, муваффақиятидан илҳомланса, кўпинча ўша соҳага қизиқяпти. Агар инновация ва илм-фан вакиллари ахборот маконида етарлича фаол бўлмаса, уларнинг ўрнини бошқа соҳалардаги қаҳрамонлар эгаллайди.

Демак, илм учун яна бир муҳим рақобат майдони жамоатчилик эътиборидир. Шу боис, дунёда илм-фан коммуникациясига илмий фаолиятнинг қўшимча йўналиши эмас, балки унинг ижтимоий таъсирини белгилайдиган муҳим механизм сифатида қаралаётгани мутлақо табиий. Илмий мақола, тадқиқот натижаси ёки янги технологиянинг ўзи билан иш тугамайди. Уни жамоатчилик билан муҳокама қилиш, ёшларга етказиш, тадбиркор ва инвесторлар эътиборига ҳавола этиш ҳам илмий экотизимнинг бир қисмига айланяпти.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида ҳам илм-фан тарғиботи илмий фаолиятнинг муҳим қисми сифатида қаралишини кузатиш мумкин. Масалан, АҚШ миллий илмий жамғармаси — NSF грант лойиҳаларини баҳолашда Broader Impacts тадқиқотининг жамиятга кенг таъсири мезонидан фойдаланади. Бунда илмий ишнинг таълим, кадрлар тайёрлаш, жамоатчилик ва иқтисодиётга таъсири ҳам инобатга олинади. Шунингдек, Европа мамлакатларида илмий фестиваллар, очиқ лабораториялар ва оммавий маърузалар орқали аҳоли илм-фан натижалари билан бевосита таништирилади.

Бундан кўринадики, мамлакатимизда ҳам олимлар фаолиятини замонавий медиа орқали кенг ёритиш, илмий ишланмаларни оммага тушунарли шаклда тақдим этиш ва уларни амалиётга татбиқ қилиш муҳим вазифалардан бирига айлангани бежиз эмас. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, Инновацион ривожланиш агентлиги ҳузуридаги Илмий-техник ахборот маркази илм-фан тарғиботида замонавий ахборот воситаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Марказ олимларнинг тадқиқотлари ва инновацион ишланмаларини кенг аудиторияга танитиш мақсадида видео дайжестлар тайёрлашни йўлга қўйган. Уларда мураккаб илмий терминлардан кўра тадқиқотнинг мазмуни, қандай муаммога ечим бераётгани ва инсон ҳаёти учун аҳамиятига эътибор қаратилади. Бундай формат илмий натижани оддий ва тушунарли тилда тақдим этиш билан бирга уни яратган олимни ҳам жамоатчиликка танитади. Натижада олимнинг меҳнати фақат илмий доира вакиллари учун эмас, кенг аудитория учун ҳам қизиқарли ва аҳамиятли мавзуга айланади.

Яна бир муҳим жиҳат — илм-фанни инсон омили орқали яқинлаштириш. Мисол учун, тадқиқотчилар изланаётгани, қандай ғоя устида ишлаётгани ва унинг меҳнати самарасини кўрган ёшлар илм-фанни мавҳум тушунча эмас, балки ўзи ҳам танлаши ва унда натижага эриша оладиган реал соҳа сифатида қабул қилади. Шу мақсадда марказ томонидан ёш олимлар, тадқиқотчилар, ихтирочилар ва новаторларни аниқлаш, уларнинг фаолиятини кенг жамоатчиликка танитишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Марказ ҳузуридаги нашрларда уларнинг илмий изланишлари ва инновацион ишланмалари ҳақида туркум материаллар тайёрланиб, видео дайжестлар орқали ҳам кенг аудиторияга тақдим этилмоқда. Бу материаллар нафақат илм-фан тарғиботи, балки мамлакатдаги иқтидорли олим ва ихтирочилар ҳақида очиқ ахборот базасини шакллантиришга ҳам хизмат қиляпти.

Натижада илмий ва инновацион соҳадаги янги номлар марказ аудиторияси ҳамда кенг медиа маконга бирдек кириб бормоқда. Бу эса илм-фан вакилларини жамоатчиликка танитиш билан бирга уларнинг тажрибаси ва натижаларини бошқа медиа майдонларга олиб чиқиш учун ҳам муҳим ахборот кўприги вазифасини бажаряпти.

Илмий ишланмани оммага танитишнинг энг муҳим босқичи эса уни амалда намойиш этиш, муаллиф ва жамоатчилик, олим ва тадбиркор, тадқиқотчи ва инвестор ўртасида бевосита мулоқот учун шароит яратишдир. Бу борада Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан ўтказиб келинаётган “InnoWeek” халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур ҳафталик Президентимизнинг 2018 йил 27 апрелдаги “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида йўлга қўйилган. Унга кўра, 2018 йилдан бошлаб мунтазам равишда халқаро инновацион ғоялар ҳафталигини ўтказиш белгиланиб, илмий муассасалар ва реал иқтисодиёт тармоқлари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, маҳаллий инновацион ғоя ва технологияларни тижоратлаштириш, инвестицияларни жалб қилиш ҳамда илғор ишланмаларни тарғиб этиш асосий вазифалар сифатида белгиланган.

Ҳафталик доирасида илмий ва инновацион ишланмалар макет, прототип ёки тайёр маҳсулот кўринишида намойиш этилади. Бу эса илмий ғоянинг қоғоздаги натижа эмас, балки амалиётда қўлланиши мумкин бўлган ечим эканини кўрсатиш имконини беради. Муҳими, жамоатчилик аввал ахборот материаллари орқали танишган олим ва унинг ишланмасини бу ерда бевосита кўриши, имкониятлари билан танишиши ва муаллифи билан мулоқот қилиши мумкин.

Яна бир гап. Янги Ўзбекистонни илм-фан ва инновацияларсиз барпо этиш мумкин эмас. Бу мақсад илм-фан учун зарур шароитлар яратиш билан бирга унинг натижаларини жамият тараққиётининг узвий қисмига айлантиришни ҳам талаб этади.

Илмий натижа бир кунда яратилмайди. Унинг ортида йиллар давомидаги изланиш, тажриба ва билим туради. Шунинг учун илм-фанни оммалаштиришни қисқа муддатли ахборот вазифаси эмас, узоқ муддатли натижага қаратилган стратегик йўналиш сифатида баҳолаш лозим. Бундай ёндашувнинг самараси эса вақт ўтиши билан янада яққол намоён бўлади. Бугун илм ҳақида шаклланган тасаввур эртага касб танловига, илмий муҳитга кириб келадиган янги авлодга ва мамлакатдаги илмий мактабларнинг давомийлигига таъсир қилади.

Шу маънода, илм-фан тарғиботига йўналтирилган ҳар бир саъй-ҳаракатни интеллектуал капиталга киритилган сармоя сифатида кўриш мумкин. Молиявий инвестиция иқтисодий қиймат яратгани каби илмга бўлган эътибор ва унинг қадрини оширишга қаратилган ишлар ҳам мамлакатнинг узоқ муддатли интеллектуал салоҳиятини кучайтиради. Илмий салоҳият эса уни қадрлайдиган ва ривожлантиришга интиладиган муҳитга ҳам боғлиқ. Шундай экан, илм-фан тарғиботи бугунги ахборот эмас, эртанги тараққиёт учун яратилаётган асосдир.



Обод юрт гўшалари

Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида юртимиз бўйлаб аҳоли яшаш ҳудудларини ободонлаштириш, атроф-муҳит тозалигини таъминлаш ҳамда экологик маданиятни юксалтиришга қаратилган “Долзарб 40 кунлик” умумхалқ акцияси доирасида кенг кўламли тадбирлар ўтказилмоқда.

ФАЙЗЛИ ВА ТАРОВАТЛИ ХОНАДОН

Экополиция бўлинмалари экологик ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олиш бўйича кучайтирилган рейд тадбирларини олиб бормоқда. Бунда чиқиндиларни ноқонуний ташлаш, ҳудудларни



ифлослантириш, яшил ҳудудларга зарар етказиш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузиш билан боғлиқ бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Долзарб 40 кунлик” акцияси юртимиз тозалиги, тартиб-интизоми ва экологик фаровонлигини таъминлашга ҳар бир фуқаронинг қўшадиган муносиб ҳиссасидир. Фақат барчамизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан атроф-муҳитни келажак авлодлар учун асраб-авайлашимиз мумкин.

Ушбу ташаббус нафақат давлат идоралари, балки ҳар бир маҳалла аҳли, айниқса, кўпни кўрган тажрибали нуронийлар зиммасига катта масъулият юклайди. “Долзарб 40 кунлик” тадбирлари доирасида ҳудудларни ободонлаштириш, яшил майдонларни кўпайтириш, маҳаллаларда соғлом турмуш тарзи ва озодалик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ишлар аллақачон бошлаб юборилди. Бу жараёнда аҳоли ўртасида шахсий намуна кўрсатиш, хонадонлар озодалиги ва ободлигини таъминлаш орқали умумий яшаш маданиятини ошириш муҳим. Маҳалладаги ана шундай файз-барака ва гўзаллик манбаси, энг аввало, ўз хонадонини гулзорга айлантирган, ҳаётий тажрибасини эл манфаатига сафарбар этаётган фидойи инсонлар меҳнатида намоён бўлади. Наманган вилоятидаги ана шундай фидойи ва ташкилотчи нуронийлардан бири — кўп йиллар турли масъулиятли лавозимларда меҳнат қилиб, элюрт ҳурматини қозонган Ҳамидхон ота.

Наманган шаҳрининг кунботар томонида қадимий Ахсикент номига нисбат берилган даҳа бор. Авваллари адирликлар ястаниб ётган бу ҳудуд қўли гул ва шижоатли инсонлар меҳнати туфайли таниб бўлмас даражада ўзгарган. Баҳаво, серсув, тупроғи унумдор бу ерларда бугун юртдошларимиз умргузаронлик қилиб, орзулари рўёбини кўрмоқда. Даҳанинг Мингтерак маҳалласидаги мўъжаз хонадонда Ҳамидхон Дадабоев фарзанду набиралари ардоғида ҳаёт кечирмоқда.

У узоқ йиллар вилоят ўлкашунослик музейига раҳбарлик қилган. Шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи директори сифатида ҳам халқ хизматида бўлган. Сўнг вилоят касаба уюшмалари тизимида самарали фаолият юритган. Ҳамидхон аканинг гулларга меҳри, меҳмондўстлиги ва ташкилотчилик қобилияти доим намоён бўларди. У ҳозир — кексалик фаслида ҳам тиниб-тинчимайди. Гўзалликка ошуфталик доимо уни ўз хонадонини файзли ва тароватли қилишга ундайди.

Ҳамидхон аканинг тутумига кўпчилик ҳавас қилади, уйи эса доим меҳмонлар билан гавжум. Эшикдан кириб боришингиз билан ажиб манзарага кўзингиз тушади. Уй олдидан оқиб ўтувчи, икки четига тош терилган ариқ ҳовлини оралаб ўтган. Гулзордаги турфа гулларнинг чиройи ва ифори қалбда ажиб хушнудлик уйғотади. Хушманзара арчанинг ўндан ортиқ тури бошқа ноёб дарахтлар билан уйғун ҳолда экилган. Натижада ўрмон маликаси, каштан ва ҳинд сиренининг гўзаллиги кишини ўзига мафтун этади.

— Боғдаги гулзорлар меҳмонлар оқимини кўпайтирган. Таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, олимлар, эл ардоғидаги инсонлар хонадонимизда меҳмон бўлган, — дейди Ҳамидхон ака. — Наманганликларнинг гўзаллик шайдоси экани, гулларга муҳаббати авлоддан авлодга ўтиб келаётгани бугунги интилишларда ҳам намоён бўлаётганидан хурсандман.

Ҳамидхон ака томорқасидан ҳам унумли фойдаланади. Бу ерда резавор экинлардан тортиб, картошка, сабзи, лавлаги, гулкарам, карам, қулупнай, бақлажон, зирк ва лавр япроғи каби рўзғор учун керакли маҳсулотларнинг барчаси топилади. Мевали боғида эса шафтолининг анжирсимон, от ёли, муяссар, чемпион навлари, чилонжийда, шотут, бодом, ёнғоқ, нок, нашвати, олма, анор ва малина бирин-кетин пишмоқда. Ўттиз бош қўй, икки бош сигир, юзта товуқ ва балиқхонадан чиққан маҳсулотлар оиланинг соғлом овқатланиш рационини таъминлайди. Иссиқхонадаги цитрус мевалар ва писта дарахти ҳам илк ҳосилини берибди. Ҳовли тўридаги ёзги шийпон ёнида ошхона қурилган. Меҳмонлар бу ерда — табиат қўйнида дам олиб, ҳордиқ чиқаради. Бугун ҳам хонадонга Ҳамидхон аканинг шогирдлари, дўстлари, ёр-биродарлари тез-тез келиб туради. Шеърият кечалари ва мумтоз қўшиқлар кишининг баҳри дилини очади. Хонадон соҳибининг кўп йиллик ҳаётий тажрибаси ва хулосаларини тинглагингиз келади. Чунки у жуда нуктадон ва ажойиб суҳбатдош. Шеъриятни, умуман, адабиётни жуда яхши тушунади. Шунинг учун бўлса керак, бу хонадонда шоир ва ёзувчилар ҳам тез-тез меҳмон бўлиб туради. Ҳатто пойтахтдан ҳам уни йўқлаб келувчилар топилади.

— Ҳамидхон ака жуда одамшинаванда, кўнгил одами. Бу файзли хонадонга доим келгим келаверади. У билан боғлиқ яхши хотираларимиз бор, соатлаб гаплашсак ҳам яна кўнглим шу томон тортаверади. Меҳмондўст, ажойиб қалбли инсонлар суҳбати, айниқса, кексаликда жуда муҳим. Умр ўтмоқда, одам одамга ғанимат. Мен доим бу инсонни кўпчиликка ибрат қилиб кўрсатгим келади, — дейди меҳнат фахрийси Тоҳиржон Дедахонов.

Хонадондаги муҳитни ўз кўзимиз билан кўриб, бу таклиф бежиз эмаслигига амин бўлдик. Ҳамидхон аканинг архитектурадан ҳам яхшигина хабардор экани уйнинг қурилишидаёқ кўзга ташланади.

— Инсон умри худди шаршара каби оқиб кетаверади, бу безакларда гўё менинг ҳаётим ифодаланган-дек, — дейди у ўйчан.

Мақоламиз қаҳрамони турмуш ўртоғи Жамилахон ая билан тўрт фарзандни камолга етказган. Ҳамидхон ака сўлим ва сокин боғида ўтириб, “Умрим дафтари” номли эсдаликлар китобини ёзишга киришибди.



— Китобдан умрим давомида учраган яхшилар ҳақидаги хотираларим ўрин олган. Унга раҳматли шоирларимиз Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф ва Ҳабиб Саъдулла ҳақидаги хотираларимни киритмоқчиман. Наби Раҳимов, Неъматжон Қулабдуллаев, Зиёвиддин Мансуров каби эл ардоғидаги инсонлар билан учрашувларимиз чоғида пайқаган инсоний фазилатлари ҳақида ҳам нималарнидир қоралаб қўйганман, — дейди у камтарлик билан.

Биз узоқ суҳбатлашдик. Ҳамидхон аканинг режалари кўп, мақсадлари эса жуда катта. Биз ҳам унга ўз орзуларига етишни тилаб қоламиз. Меҳнатда тобланган, гўзаллик ва озодаликни ҳаёт тарзига айлантирган бундай инсонларнинг шахсий намунаси атрофдагиларни, айниқса, ёшларни ягона эзгу мақсад атрофида бирлаштиришга хизмат қилади.

Гулчеҳра БУВАМИРЗАЕВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Наманган вилояти бўлими раиси

Гарчи иккала қўли бўлмаса-да, чизгиларида ҳаётга муҳаббат, яшашга интилиш ва орзуларга ишонч мужассам эди. Суратларида фақат ранглар уйғунлигини эмас, балки унинг қалб нидосини, сабр ва шукроналик ифодаси бўлмиш гўзал аксларни рангин бўёқларда ҳис қилиш унчалик ҳам қийин бўлмаган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Инсон қадри учун

ДОРИЛАМОН КУНЛАР саодати

Баъзан тасодиф сабаб бирор жойимизни шикастлаб ёки бармоғимизни кесиб олсак, бирмунча вақт қўлимиз ишга бормай, бажарган вазифамиздан кўнглимиз тўлмай, ўзимизни ноқулай сезиб юрамиз. Мақоламиз қаҳрамони Каромат Аҳмадқулованинг эса иккала қўли йўқ, биринчи гуруҳ ногирони. Аммо у имконияти чекланган бўлса-да, отаётган ҳар бир тонгини янги имконият, ўтаётган кунларини бебаҳо неъмат деб билади. Севимли машғулоти — рангин ва ҳаётбахш суратларини оёқлари ёрдамида чизади.

Аслида, бу дунё барчамиз учун синов. Унда қандай из қолдириб ўтиш ҳар кимнинг ўз қўлида. Ногирон бўлса-да, умр гулшанида борлигига шукр қилиб яшаётганлар ҳам, тўрт мучаси соғ бўлса-да, ҳаётидан нолиб, ўз ўрнини топа олмай юрганлар учун ҳам мақола қаҳрамонининг ҳаёти кўзгу бўлса, ажаб эмас.

Ўшанда у 18 ёш эди

Саодатли ва ёруғ кунларга ишонч билан қадам ташлаётган 23 ёшли Каромат ноёб истеъдоди, матонати ва меҳнатсеварлиги ҳақида кўпчиликка ибрат бўладиган мақола ёзишни анча авваллари кўнглимга тукканэдим. Ўшанда у 18 ёшда эди. Бундан 5 йил илгари таҳририят топшириғи асосида ижодий жамоамиз билан Сирдарё вилоятида хизмат сафарида бўлдик. Бир қанча иқтидорли ёшларни ва муносиб қаҳрамонларни кашф этдик, таҳририятга қайтгач, улар ҳақида мақолалар эълон қилдик. Аммо Ховос туманида истиқомат қилувчи рассом Каромат Аҳмадқулова ҳақида ҳеч нарса ёза олмадим.

Ҳар сафар компьютер қаршисига ўтириб, нимадир қоралamоқчи бўлардим-у, кўз ўнгимдан оёқчалари билан расм чизаётган хушсурат қизнинг гўзал ва қувноқ сийрати ортига яширинган мунгли чеҳраси гавдаланиб, сўзларимни поёнига етказа олмасдим...

Гарчи иккала қўли бўлмаса-да, чизгиларида ҳаётга муҳаббат, яшашга интилиш ва орзуларга ишонч мужассам эди. Суратларида фақат ранглар уйғунлигини эмас, балки унинг қалб нидосини, сабр ва шукроналик ифодаси бўлмиш гўзал аксларни рангин бўёқларда ҳис қилиш унчалик ҳам қийин бўлмаган. Шунда тушунганманки, рассомлик унинг учун оддий машғулот эмас, балки ҳаёт мазмунига айланган гўзал бир олам.

Каромат Аҳмадқулова бугун нафақат тенгдошлари, балки кўплаб инсонлар учун руҳий куч манбаи, ҳаётга бошқача нигоҳ билан қарашга ундайдиган ибрат намунасига айланган. У билан суҳбатлашганимда сўзларида ҳеч қандай шикоят ёки афсусни сезмаганман.

Аксинча, ҳар бир гапида шукроналик, келажакка ишонч ва янги марраларни забт этишга интилиш акс этарди. Ҳозир ҳам орзулари сари қатъият билан одимлаб бормоқда.

Ижоди орқали ўзи каби имконияти чекланган одамларни ҳаётни қадрлашга ундаб, инсон иродаси чекинмаслигини исботлаб келмоқда. Каромат сингари инсонларнинг ҳаёти биз учун нафақат ибрат, балки руҳий уйғонишга чорловдир, балки.





Дастлаб қўлсиз одам қандай қилиб рассомлик қила олади, бу лоф эмасмикан деб ўйлаганман. У билан учрашганимдан сўнг, гарчи икки қўлидан мосуво бўлса-да, оёқ бармоқлари билан суратлар чизаётган ёшгина қизнинг яшашга интилишини, муҳаббатини кўриб, ўз хаёлимдан уялганман, балки шу учун ҳам мақолам йиллар давомида ортга сурилгандир.

Ўша вақтда қўлимдан келган ягона иш — Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуридиновнинг олдига бориб, Кароматнинг ноёб истеъдоди, чизган суратлари, кўмакка муҳтожлиги ва ночор аҳволи ҳақида сўзлаб, унга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида хабар бердим.

Сўзларим ерда қолмади, оз фурсат ўтмай, Кароматнинг онаси Дилором Жулбекова қўнғироқ қилиб, “Янги Ўзбекистон” газетаси таҳририяти жамоасини узоқ дуо қилди.

— Опа, уйимизга қизимни кўргани машҳур рассомлар келди, улар олишга қурбимиз етмаётган рассомлик ашёларини совға қилди. Болагинамнинг ижодини мақтаб, уни руҳлантириб, чизган суратларини ҳам олиб кетишди, энди тез-тез хабар олиб, ижоди билан алоҳида шуғулланишар экан, сиздан ва таҳририятингиз жамоасидан миннатдорман, раҳмат сизларга, — дея кўнгли тўлиб йиғлади.

Каромат билан йиллар давомида қўнғироқлашиб, ҳол сўраб турдим. Журналист халқи хоҳласа, ўн қоғоз мақолани бир соатда ёза олади, аммо баъзан ўзи хоҳласа-да, уч қоғоз мақолани йиллар давомида ҳам кўнгилдагидек қилиб қоралай олмайди. Яқинда Каромат билан яна қўнғироқлашдим. У менга мустақиллигимизнинг 35 йиллигига бағишлаб янги асар яратаётгани ва бу асар истиқлолнинг шонли санасига юракдан меҳрини қўшиб чизган совғаси эканини айтди.

Бу менинг қисматим

— Қўлсиз туғилганим қора қисмат, Яратган менга чизиш бахтини бергани эса энг улуғ неъмат. Айни кунларда янги асар устида ишлаяпман. Бу мустақиллик тўйига кичик бўлса-да, тўёнам. Ростини айтсам, сўнгги йиллардаги ислоҳотлар бўлмаганида мен каби ёшларга бунчалик эътибор, ғамхўрлик ва шарт-шароитлар яратилармиди?

Кўмакка муҳтож инсонларга эътибор ва ғамхўрлик туфайли ҳаётимга янги имкониятлар кириб келди. Юртимиздаги янгиланишлар боис, мутасаддилар тез-тез ҳолимдан хабар олиб туради, байрамларда йўқлаб келади.

2022 йилда “Мафтункор ранглар дунёси” танловининг туман, вилоят, республика босқичида биринчи ўринни қўлга киритдим. Яратилган шароитлардан фойдаланиб, 2023 йилда Гулистон давлат университети санъатшунослик факультетига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим.

2025 йилда “Менинг ижодим, менинг парвозим” номли шахсий кўргазмам ташкил этилди. Ўтган йили республика тасвирий ва амалий санъат ҳафталигида фаол иштироким учун кумуш медалга сазовор бўлдим, “Энг яхши асар” номинацияси бўйича фахрли ўринни қўлга киритиб, биринчи даражали диплом билан тақдирландим.

Ҳовос тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан ўтказилган “Сен кучлисан” хайрия кўргазмасидаги иштироким ҳам бесамар кетмади. Махсус ташаккурнома ва совғаларга муяссар бўлдим. Шунингдек, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан ўтказилган аукционларда фаол иштирок этиб келяпман.

Энг асосийси, 2025 йилда Сирдарё вилояти ҳокимлиги томонидан Мирзаобод туманидан барча шароитлари бор икки хонали уй берилди. Ўз бошпанам бўлиши болалигимдаги орзум эди. Айниқса, бу хабар ота-онам учун кутилмаган янгилик бўлди. Опаларим ва синглим турмушга чиққан, онам менга қараб туради.

Туманимиз мутасаддилари “Каромат, ўқишни тугатгач, биз билан ишлайсан. Сен каби иқтидорли рассом жамиятга жуда керак”, дея доим рағбатлантириб туради. Бу сўзлар менга катта куч бағишлайди, кўнглимни тоғдек кўтаради. Шу боис, келажакка ишончим мустаҳкам.

Ўқишни тугатгач, иш топиш борасида хавотирим йўқ. Қолаверса, ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаётган ташкилотларга турли имтиёзлар берилмоқда. Бу эса имконияти чекланган ёшларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, ўз ўрнини топиши учун янада кенг шароитлар яратяпти.

Ушалмас орзуларини қоғозга кўчириб келаётган мен каби қизга бунчалик эътибор қаратилиши хаёлимга ҳам келмаган. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бу ғамхўрликка муносиб бўлишга ҳаракат қиламан.

* * *

Тўрт фарзандинг ўртанчаси Кароматнинг ногирон бўлиб туғилганидан ота-онаси кўп изтироб чекди. Айниқса, отаси Қаҳрамон бор аламини ичига ютди. Рўзғордаги етишмовчиликларни бартараф этиш ва 4 фарзандини камкўстсиз вояга етказиш мақсадида совуқ ўлкаларда йиллаб оғир меҳнат қилди. Юртимизда кечаётган ўзгаришлар уларнинг хонадонига ҳам дориламон кунлар шабадасини олиб кирди.

Ёш мусаввирнинг бугунги ютуқларида, шубҳасиз, онасининг ўрни беқиёс. У билан суҳбат чоғида фарзандининг муваффақиятларидан фахр туйғуси билан бирга ўтмишдаги оғир кунларнинг излари ҳам сезилиб турди.

— Баъзилар бу дунёда ҳақиқат йўқ деб ўйлайди. Ҳаммаси қоғозда, қуруқ гап дейишади. Бир вақтлар мен ҳам шундай хаёлга борганман. Юрагим куйиб, дилим изтиробга тўлган вақтлар, наҳотки, болагинамнинг қўлсизлиги туфайли Худо берган қобилиятини бандаси кўрмаса дея бағрим ўртанарди. Эсини таниганидан буён оёқчаларидан қоғоз ва қалам тушмайдиган қизимнинг чизган суратларига нигоҳ ташлар эканман, шундай истеъдод увол бўладими, унинг самараси юзага чиқмайдими, боламнинг иқтидори сўниб кетадими деб йиғлаган кунларим кўп бўлган, — дейди Кароматнинг онаси Дилором. — Аллоҳга шукрки, дориламон кунлар шабадаси туфайли менга ўхшаган оналар бағрига шамол тегди, фарзандларимизнинг ютуқларини кўришга муваффақ бўлдик. Давлат боламни беминнат ўқитяпти, бошпанали қилди, ярим кўнгли билан ўзини ёлғиз қолдирмади. Қўллари бўлмаса-да, унга суянч бўладиган Ватани, ғамхўр давлати бор. Шунинг ўзи мен учун катта тасалли.

Ҳа, диёримизда кечаётган улкан ўзгаришлар инсон қадрининг юксак даражада қадр топиши асносида янада мафтункор кўринади. Аслида, ҳар бир фуқаросига чексиз эътибор ва юксак ҳурмат билан қараладиган гўзал юртда яшашнинг ўзи буюк бахт...

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-846.
29345 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 20:35 Топширилди — 22:50